

9(4)
Н-29



Н. К. НОРҚУЛОВ

**БЕРУНИЙ
ВА ХОРАЗМ**

9(1)

Н. К. НОРҚУЛОВ

Н - 79

БЕРУНИЙ ВА ХОРАЗМ

Утди

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ – 1973

Ушбу рисолада қомусий билимлар эгаси, буюк олим Абү Райхон Берунийнинг бизгача етиб келмаган *Машоҳиро Хоразм* («Хоразмнинг машҳур кишилари») ва эълон қилинган бошқа асарларини илмий ўрганиш натижасида Хоразм ўлкасининг қисқача тарихи баён қилиниди.

Китобча тарихчи, шунингдек, Хоразм тарихи билан қизиқувчи кеңг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

9(C52)

Н 79

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Хоразм тарихчиси	5
Хоразм ва хоразмликлар	9
Хоразм диёрининг баъзи қадимий шаҳар ва каналларি	18
Илк Хоразм давлати ва Беруний	28
Араблар истилоси ва Беруний	32
Маъмумийлар ва Ғазнавийлар даврида Беруний ижоди	37

Нарқулов Н. К.

Беруний ва Хоразм. Т., «Фан»,
1973.

48 бет.

Нарқулов Н. К. Беруни и Хоразм.

На узбекском языке

Н. К. Нарқулов

БЕРУНИ И ХОРЕЗМ

Ўзбекистон ССР ФЛ илмий-оммабон китоблар таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир *Т. Абдужабборова*
Техмуҳаррир *Р. К. Иброҳимова*
Корректор *Х. Дўстмуҳамедов*

P17830. Теришга берилди 27/VII-73 й. Босишига рухсат этилди 6/VIII-73 й. Формати 84×108^{1/3}. Босмахона қоғози № 1. Босма л. 2,52. Қоғоз л. 0,75 Ҳисоб нашриёт л. 2,7
Нашриёт № 621. Тиражи 7000. Баҳоси 10 т. Заказ 160.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, Черданцев кўчаси, 21.
Нашриёт адреси, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.



ҚИРИШ

Абу Райҳон Берунийдек буюк олим туғилиб, вояга етган Хоразм ўлкаси қадимги даврларда ҳам ўзбеклар диёрининг илк маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган.

Хоразмда деҳқончилик ва сугориш шаҳобчаларининг қадимийлиги совет олимлари (С. П. Толстов, Я. Ф. Фуломов¹ ва бошқалар) томонидан чуқур тадқиқ этилган. Аммо, Хоразм ўлкаси ва унинг халқлари тарихига оид манбалар жуда кам. Беруний асарлари тадқиқ этилгуга қадар тадқиқодчилар тарихий маълумотларни асосан қадимги Эрон ёзувлари, юнон ва латин, арман ва Сурия географ ҳамда тарихчилари, тушунилиши қийин бўлган қадимий Хитой тарихий манбаларининг айрим парчаларидан, шунингдек, зардуштий динининг илоҳий китобларидан олганлар. Ўзбекистон ССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташаббуси билан Беруний асарларининг ўрганилиши ва тадқиқ этилиши туфайли Хоразм ўлкасининг қадимий ва илк ўрта аср тарихини ўрганиш имкони түгилди. Буюк ватанпарвар олим Абу Райҳон Беруний ўз диёрининг ўтмиш тарихи, ватандошларининг бой қадимий маданий мероси, урф-одатлари ва машгулотига доир бир қанча ўлмас асарлар яратди. Афсуски, унинг бу асарлари бизгача етиб келмаган. Абу Райҳон Беруний ўзининг асарларида ўтмиш маданиятимиз тақдирин ҳақида қўйидагиларни ёзиб қолдирган: Юнонистонылик Фотиҳ Исқандар Ўрта Осиё халқларининг илму фан хазиналарини ўз мамлакатига олиб кетди².

¹ С. П. Толстов, По древним дельтам Окса и Яксарта, ИВЛ, М., 1962; Я. Ф. Фуломов, Хоразмнинг сугорилиши тарихидан, Тошкент, 1957.

² Қараңг: Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1968, 127-бет.

«Искандар ва унинг ворислари румликлар томонидан эронликлар] рағбат қилган барча илмий китоблари куйдирилиб, ҳаёт воситаси бўлган ва фаҳр қилинадиган гўзал санъатлари барбод этилган эди. Искандар кўплаб диний китобларни куйдирган, ажойиб биноларни вайрон қилган»³.

Қадимий Хоразм ёзма ёдгорликлари ҳам нобуд этилган эди. Бахти тасодиф туфайли сақланиб қолган Абу Райхон Беруний асарларига қайта ҳаёт бахш этиш Коммунистлар партияси ленинчча миллий сиёсати ҳамда берунийшунос олимларимизнинг илмий жасоратлари туфайли амалга ошди.

Ушбу ишни ёзишда ўз илмий маслаҳатлари ва яқиндан кўрсатган ёрдами учун муаллиф Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори А. К. Арендсга чексиз миннатдорчилик билдиради.

³ Абу Райхон Беруний, Уша асар, 147-бет.

ХОРАЗМ ТАРИХЧИСИ

Абу Райхон Беруний қадимдан яшаб келган халқлар тарихи ва маданиятини синичиклаб ўрганди. Бу йўлда у на вақти ва на дунёсини аяди. Қадимий ёзма манбалар ва ривоятлар асосида илмий холосалар чиқарди. «Қадимий тарихларнинг энг аввалтиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир»¹,— дейди Беруний. Масалан, ижтимоий тараққиёт ва тилларнинг пайдо бўлиши тўғрисида олим шундай дейди: «[Одамлар] тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фаттина наслабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг [одам] яшайдиган жойларининг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бирбиридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларини ифодалаш учун [зарур] бўлган сўзларга эҳтиёж тугилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва тақрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган»². Хоразм ўлкаси ўзининг шундай бир ажойиб тарих тадқиқотчисини яратдики, унинг яратган асарларида қадимий ва илк ўрта аср Хоразм маданияти ўз ифодасини топди. Олимнинг биззача стиб келган асарларида ватани ҳақидаги тарихий маълумотларни анчагина учратиш мумкин.

Абу Райхон ибн Аҳмад Беруний ал-Хоразмий Хоразмнинг Кот шаҳрида 362/973 йили туғилиб, 430/1048 йили Фазна шаҳрида вафот этди. У ўз замонасиининг, шунингдек, Хоразм, Журжон (Гургон), Фазна ҳукмдорлари ҳамда кўзга кўринган алломалари, шу жумладан, Ибн Сино билан яқин муносабатда бўлган.

¹ Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, I том, 50-бет.

² Уша асар, 236-бет.

Беруний ажойиб ҳаёт йўлини босиб ўтган ва юздан ортиқ ўлмас асарлар яратган. Шулардан бирининг «Хоразм тарихи» номли асари бўлиб, мазкур асар бизгача стиб келмаган ва дунёнинг бирор кутубхоналарида ҳам мавжуд эмас. XIII асрда ёқ йўқолган бу асар «Хоразм тарихи» ёхуд *Китоб ул-мусомара фи ахбори Хоразм* («Хоразм тўгрисидаги хабарлар ҳақида суҳбатлар») деб аталган. Тарихчи Абулфазл Байҳақий (995—1077) «Хоразм тарихи»ни «Машоҳирини Хоразм» («Хоразмининг машҳур кишилари») номи билан тилга олади. Еқут Ҳамавий (1179—1229 й.)нинг ҳам «Мусомара» китобидан келтирган парчалари мазкур китобларнинг иккаласи ҳам битта асар эканлигини тасдиқлайди. Еқут ўзининг Хоразмга бағишлиланган мақоласида шундай ёзали: «Абу Райҳон Берунийнинг бир китобида у «Хоразм тарихи» деган китоб ёзгани ҳақида эслаб ўтилганини кўриб қолдим. Ўша асарда ёзилишича, Хоразм қадимда Фил деб аталган экан. Шу ерда у мен унугтган бир тарихни келтиради. Қимда-ким шу китобни топса, мен келтирган ҳикояни қўшиб қўйиши мумкин»³.

XIX асрнинг 60-йилларида Байҳақий тарихий асарининг сақланиб қолган ва ҳозир «Тарихи Байҳақий» деб аталувчи қисми Морлей томонидан пашр этилди. Шундан кейингина Берунийнинг мазкур номдаги асари бўлганлиги аниқланди. Беруний ўз китобини қандай атагани бизга номаълум. Кейинроқ ўтган тарихшунослар асарларидан мазкур китобнинг еттига номи аниқланган. Абулфазл Байҳақий ва Абу Райҳон Беруний султони Маҳмуд саройида хизмат қилганлар; Султон Маҳмуд вафотидан кейин эса, унинг тахт ворислари Масъуд (1030—1041) ва Мавдуд (1042—1048) хизматида бўлдилар. Улар шахсан таниш бўлган бўлишлари ҳам эҳтимол. Улар ёш жиҳатидан бир-бирларида анча фарқ қилганлар. Абулфазл Байҳақий Беруний ҳаётлигига Газнавийлар давлати девонхонасида девонбеги ёрдамчиси вазифасида ишлаган. Байҳақий асари қўллэзмасининг эълон қилинган қисмида Берунийнинг «Хоразм тарихи» асаридан олинган турли мазмундаги парчаларни учратиши мумкин. Бундай парчалар немис шарқшунос олимни Э. Захау ва атоқли шарқшунос В. В. Бартольд асарларида ҳам мавжуд. Бу икки олим «Хоразм тарихи»дан

³ Э. Захау, Хоразм тарихи ва хронологиясига доир, Вена, 1873, 7—8-бетлар (немис тилида).

олинган унча катта бўлмаган ва ўқий олган парчалари билангина кифояланганлар. XX аср бошларида араб олими Ёқутининг *Муъжам-ул-бүлдоң* («Мамлакатлар мажмуні») деган йирик асари нашр этилди. Шу асарининг олтинчи жилдизда биз юқорида зикр этилган парчаларга қўшимча маълумотларни учратамиз.

Байҳақий ўз асарини Абу Райҳон Беруний вафотидан кейин 1056 йили ёзишга киришади. Бу пайтда Байҳақий давлат хизматидаи кетгани эди. Унинг ҳамشاҳари олим ва ёзувчи, «Тарихи Байҳақ» асарининг муаллифи Иби Фундуқ лақабли Абул Ҳасан Али Байҳақийнинг берган хабарига қарагандা, Абулфазл Байҳақийнинг асари 30 жилдан иборат бўлиб, унинг 5-жилднинг охирги қисми ва 6, 7, 8, 9 ҳамда 10-жилдлари (хотимаси йўқ) сақланиб қолган. Асарининг қолган қисмлари XII асрдаёқ йўқолган бўлиши мумкин. Чунки, қўллэзмаларни XIX ва XX асрларда эълон қилинган қисмлари энг қадимиysi бўлиб, улар XVI—XVII асрларга мансубдир. Шундай қилиб, «Тарихи Байҳақий»нинг ёзилишидан кейинги 500—600 йиллик тақдирни бизга номаълум бўлиб қолмоқда.

Байҳақий ўз асарини йилнома шаклида ёзган. Унинг бизгача етиб келган жилдларида йилномалар 432/1041 йилгача давом этади, яъни 1030—1041 йилларни ўз ичига олади. Ўничи жилд охирида, олимнинг кўзда тутишича, яна икки боб ҳам бўлиб, бири Хоразм, иккинчиси Рай шаҳри тарихига бағишланиши лозим эди. Бу икки йирик вилоятни Маҳмуд Ғазнавий ўз ҳукмронлигининг сўнгги даврида истило этади. Абулфазл Байҳақийнинг ёзишича, Беруний асарида Хоразмнинг Маҳмуд томонидан забт этилиши, у тайинлаган ҳоким хоразмшоҳ Олтиттош замонидац, то Салжуқлар хуружигача тарихи баёни этилиши лозим бўлган. Хоразм тўғрисидаги бобнинг муқаддимасида Байҳақий «Мазкур... тарих асарини ёзишга киришар эканман, ўз кўрганларим, ёхуд ишончли одамлардан эшитганларимни битишига аҳд қилдим. Бундан аввал мен устоз Абу Райҳон қаламига мансуб бир китоб кўрган эдим. Ул зот сухандонликда ва ҳодисалар моҳиятини англашда, география ва фалсафада беназир киши эди. Замонасида унга teng келадигани йўқ эди; у бирор нарсани чуқур мулоҳаза қилмай ёзмас эди. Мазкур китобдан мен бутун-бутун жойларини кўчирдим. Бу тафсилотларни мен мазкур «Тарихни» ёзишда қанчалик эҳтиётлик билан иш кўрганимни ойдинлаштириш

учун ёзмоқдаман. Чунки, мен билган сўз санъаткорлари доимо мендан олдин тилга олиниши керак. Лекин бундай одамлар жуда кам қолди»⁴, деб ёзади. Кейин, Абу фазл Абу Райҳон Берунийдан олингани айрим парчаларни келтириш, шарҳлашдан олдин «Хоразм тарихи»нинг қисқача мазмунини ва унга инсбатан ўз шуқтани назарини баён этади: «Хоразм тўғрисида ёзар эканман, Абу Райҳонга эргашиб, Маъмун хонадони тарихидан бошлишни лозим топдим. У мазкур сулолани инқирозга олиб келган сабабларни ўз кўзи билан кўрган ва ўз босидан кечирган эди. У вилоятнинг Маҳмуд давлатига қўшиб олиниши, марҳум амирнинг у мамлакатга бориши, унинг ҳукмронлигида Хоразмининг аҳволи нима кечгани, ҳожиб Олтинтошни у ерга тайишлаб, султоннинг қайтгани; Олтинтош ўғлиниң фитначиларга эргашувигача қандай воқеалар сабаб бўлган ва Олтинтош хонадонининг тугашини билар эди. Бу хабарларда озмуича ажойиб ва гаройиб воқеалар тафсили борми. Буларда ўқувчи ва эшитувчилар учун янгиликларни бартараф этувчи фойда кўпдир...»*

Байҳақий томонидан келтирилган мазкур асар мазмунига қараб, Берунийнинг Хоразм тўғрисидаги асари мазкур юртнинг Сомонийлар даври ва Фазнавийлар хонадонининг иккى ҳукмдори замони тарихини ўз ичига слган, деган хуносага келиш мумкин. Шундай бўлса ҳам асар муқаддимасида қадимий Хоразм тарихига доир қимматбаҳо маълумотлар келтирилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Берунийнинг 427—1036 йилда ўз асарларига ўзи тузган феҳрестида ҳам «Хоразм тарихи» кўреатилган. Беруний ўзининг бу тарихий асарини Фазнада яшаган йиллари ёзган бўлиши эҳтимол.

Берунийнинг Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё ҳалқлари, шунингдек, мисрликлар, юнонлик ва римликларнинг мұфассал тарихий ўтмиши баён этилган «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида хоразмликлар, сурдийлар, баъзан сак қабилалари, уларнинг тили, урф-одатлари ва тарихий ўтмиши ҳақида ҳам мухим маълумотлар берилган.

* Абулфазл Байҳақий, Масъуд тарихи, Форс тилидан рус тилига таржима, кириш сўзи ва изоҳлар А. К. Арендсники, II тўлдирилган нашри, М., 1969, 807—817-бетлар.

* Ўша жойда.

Беруний ўзи яшаб турған давр ва илм-фан ҳақида шундай ёзган эди: «Лекин замонамиз айтиб ўтилгандай замон эмас, балки унинг тескарисичадир. Шундай замон ва шароитда яшаш мажбурий бўлгандан кейин, қачон илм юзага чиқади ёки юзага чиққани қачон ривож топади. Бизнинг замонамида мавжуд бўлган барча илм, ўша тасвирланган даврлардагина бўлган қадимги замон билимларининг қолдиқлари ва оқовалари»⁵.

Шунинг учун бўлса керак, у ўзининг мазкур асарини «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб бежиз атамаган. Чунки, араблар даврида нобуд этилган тарихий китоблар ўринини оз бўлса ҳам тўлдиришни Беруний ўз зиммасига олди ва бу вазифани шараф билан бажарди. Унинг мазкур китоби чиндан ҳам улкан маданий ёдгорлик бўлиб қолди.

Хоразм ва Хоразмликлар

«Хоразм» сўзи дастлаб, «Авесто»да учрайди. Бу ерда у Қайризао тárзида берилгаи (qaigizao). Э. Захаунинг фикрича, Қайризао сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, зем—ер, қайри (қорета)—озиқ-овқат маъносини билдиради, яъни Қайризао—озиқ-овқат мамлакати, озуқага бой юрт деганидир. Қор ўзагини Амунинг Хоразмдан оқиб чиқувчи канал номидан ҳам топамиз. Говхора сўзининг маъносини Истахрий ва Ёқут «Сигир овқати» деб тушунирадилар. Бесутун ва Персепол (Тахти Жамшид) китобаларида Хоразм Уваразми шаклида ўқилади. Қадимий Хитой манбаси бўлмиш «Хан сулоласи тарихи» китобида эса Юеғянь (Юецзянь) тárзида учрайди. «Тан сулоласи тарихи»да «Хосюнь», «Холисими Боли» дейилган. Хоразм сўзининг этимологияси ҳақида араб сайёхи Муқаддасий (985 йил)нинг *Аҳсан ут-тақосим фи Мазрифат ул-қолим* («Иқлиmlарни билиб олишда энг яхши тақсимлашлар») асарида қизиқ бир ҳикоя мавжуд. «Шарқ подшоси ўз давлати хизматидагилардан тўрт юз кишига қаҳру ғазаб қилибди. Кейин буларни юз фарсаҳ узоқликдаги одам яшамайдиган жойга элтиб ташлашларини буюрибди. Уларни ҳозир Коc шаҳри жойлашган ерга келтириб қўйибдилар. Бир қанча вақт ўтгач, шоҳ одам юбориб, улар ҳолидан хабар олишни буюрибди.

⁵ Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, II том, Тошкент, 1965, 125 бет.

Подшоҳ одамлари келишса, бадарға қилинганинг ҳаммаси тирик эмиш; улар ўзларига чайлалар қуриб олиб, балиқ овлаб кун кечирар эканлар. Уларда ўтиңчўп кўп экан. Шу гапларни подшога етказишгач, у сўрабди:

- Гўштни улар нима дер эканлар?
- Хор.
- Ўтин-чўпничи?
- Разм.

Шунда подшо дебди:

— Ёша жойларни мен уларга багишладим. Уларнинг юрти «Хоразм» деб аталсан. Сўнгра у тўрт юз турк қизини олиб бориб, уларнинг ихтиёрига топширишини буюрибди. Шундай қилиб уларда туркларга ўхшашлик сақланиб қолди»⁶.. «Авесто»нинг «Митхра ёшти» деб аталувчи V бўлим, 14-қисмида Сүғда номи билан бирга, Хоразм ҳам эслатилади. «Ўзининг олтин вужуди билан гўзал тоғ чўққиларини қамраб олиб, сўнг арийлар юртини тамоман эгаллаб оладиган Митрага ҳамду санолар ўқиймиз. Арийлар юртида ҳукмдорларнинг атроф-теваракда ажойиб ерлари бор. У ерларда озиқ-овқатга мўл-кўл улкан тоглар мавжуд. Мол-чорвалари учун сувга сероб чашмалар муҳайё. Серсув каналлар, бағри кент дарёлар Моуру ва Харнаёву Гоу, Суғд ва Қайризао томон шитоб билан оқадилар»⁷.

Қадимий Хитой тарихий маибани «Тан сулоласи тарихида» «Колисими» вилояти Уҳу (Окс—Аму) дарёсининг жанубий томонида жойлашгани; чесо (ғуз) қабилалари юртини шимоли-гарбий томонидалиги қайд қилинади⁸. Немис олими Маркварт Ахамонийлар сулоласигача Ўрта Осиёда қудратли давлат мавжуд бўлганлиги, мазкур давлат Хоразм атрофига уюшган Суғдиёна (Зарафшон ҳавзаси) ва Хурсон (Жанубий Туркманистон, Шимоли-шарқий Эрон ва Фарбий Афғонистон)дан иборат бўлганни тўгрисидаги тахминни илгари суради. У ўз тахмини исботини Геродотдан қидиради. Геродотнинг ёзинича, хоразмликлар улкан территорияда ҳукмрон бўлганлар; ерлари гирканлар (Каспий денгизининг жануби-шарқий бурчаги), парфияликлар (Шимолий Хуро-

⁶ Материалы по истории туркмен и Туркмении, М.—Л., 1941, стр. 185.

⁷ Э. Захау, Хоразм тарихи ва хронологиясига доир, З-бет.

⁸ В. В. Бартольд, Соч., т. III, М., 1965, стр. 29.

сон), дранглар ва таманайлар (Гарбий Афғонистон) ерларига туташ бўлган. Бундан ташқари Геродот бошқа бир жойда Эрон давлатининг XVI сатраши таркибида хоразмликлар, сугдлар, парфянлар ва арианлар (ҳозирги Ҳирот вилоятининг Қадимий аҳолиси) бўлганини ёзди⁹.

Кейинчалик В. Б. Хенининг Маркварт фикрларини умумлаштириб, қўйидагича хуносага келади: «Геродотининг ҳикоя қилишинча, хоразмликлар қадимда Акес, яъни Херируд дарёси ва унинг давоми ҳисобланмеш ҳозирги Тажан водийсини эгаллаганлар. Гирканияликлар, парфияликлар, Сейистондаги саранглар, Арахосиядаги таманай халқлари уларга тобе бўлганлар. Хоразмликлар яна Марв ва Ҳиротни ҳам ўз ерларига қўшиб олганлар; чунки, Гекатей ўз асарларининг бирида хоразмликлар Парфиянинг шарқида яшайдилар, деб ёзади.

Демак, Мидия давлати билан бир вақтда Шарқий Эронда Марв ва Ҳирот атрофларида ташкил топган мустақил давлат вужудга келган, деб узил-кесил хуроса чиқара оламиз. 682 йили араблар Марвни олганларида, у ерда сугдлар билан бир қаторда хоразмликларнинг ҳам қароргоҳ ерини кўрганлар. Хоразмликлар бошқарган мазкур давлат Кир (Куруш, э. а. 358—529 й.) томонидан тугатилди ва уларни жанубий вилоятлардан сикиб чиқарди. Хоразмликлар эса, ўзларининг шимолдаги Окс дарёси бўйларидағи ерларига чекина бошладилар»¹⁰.

С. П. Толстовнинг археологик тадқиқотларидан маълум бўлишича, ҳозирги Хива ўрнида ўша даврларда ҳам аҳоли яшаган. Хоразмликлар фақат Ахамонийлар давридагина шимолга силжиган бўлишлари мумкин. «Чунки македониялик Искандар Ўрта Осиёга бостириб келганда хоразмликлар Окс дарёсининг қуви оқимидағи ерларда яшар эдилар. Ўша даврда хоразмликлар массажет ва бошқа қабилалар бириккан қабилалар конфедерациясига кирган бўлишлари мумкин»¹¹, — деб ёзади Ричард Фрай.

Геродот шундай деб ёзди: «Осиёда бир текислик бор, атрофи тоғлар билан ўралган. Тоғнинг бешта дараси бор эди. Илгари замонлар бу текислик хоразмлик-

⁹ С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948, стр. 11—12.

¹⁰ Ричард Фрай, Наследие Ирана, М., 1972, стр. 65.

¹¹ Ўша асар, 72-бет.

ларники эди. Текислик ўша хоразмликлар, гирканияликлар, парфияликлар, сарангийлар ва фаманай ерлари билан туташган. Форслар у ерни забт этишди. Текисликни ўраб турувчи тогдан келаётган Акес (Аму) дарёси дастлаб беш ирмоқقا бўлинар эди ва мазкур халқлар ерларини сугорар эди. Ҳар ирмоқ бир дарадан оқар эди. Аммо бу халқлар форслар ҳукмронлиги остига ўтгач, қўйидагича ўзгаришлар юз берди: шоҳ дараларни беркитишини буюрди, ҳар қайсисига банд қурдирди. Натижада сув оқишдан тўхтаб, тоғлар билан ўралган текислик кўлга айланди. Ҳақиқатда ҳам дарё текисликка қўйилавериб, ҳеч қаердан чиқиб кетолмас эди. Натижада юқоридаги халқлар, олдин фойдаланиб юрган сувларидан жудо бўлдилар. Қишида худо уларга ёмғир берарди, ёзда эса, арпа ва кунжут экиш пайтида сувга муҳтоҗлик сезардилар. Шунинг учун, сув керак пайтида улар хотинлари билан Эронга борар, шоҳга ёлворар эдилар. Шоҳ сўровга биноан уларнинг ерларига банддан сув очар, сугориш тугагач, яна беркиттирас эди. Шоҳ бандларни катта пул эвазига очинини менга ҳикоя қилишган»¹².

Геродот Хоразм ўлкаси қадимда сердараҳт, сермева ва обод бўлганлиги, ҳаттоки, Искандар Гирканиядан ёғоч ташиб, Қаспий қирғонида флот қурмоқчи бўлганини ёзади¹³.

Я. Фуломов э. а. биринчи минг йилликнинг иккинчи чорагида Хоразмда катта сув иншоотлари қурилиб, шаҳарлар ҳаёти барқ ургани ва мустақил Хоразм давлатининг гуллаб-яшнагани ҳақида ёзади¹⁴. Геродотнинг тарькидлашича э. а. VII асрда массагетлар томонидан сиқиб чиқарилган сак қабилаларидан бир қисми Волгадан ўтиб, киммерийлар юрти томон кетишган. Бу ҳол, албатта, Хоразм бошлилигидаги қабилалар конфедерациясида воқе бўлган улкан сиёсий воқеалар натижаси эди. Мазкур конфедерация жанубдаги қўшниларига, Мидияга, ҳатто Европа территориясига таҳдид солиб турган. Юнон тарихчиси Аррианинг қўйидаги ҳикояси фикримизга далил бўла олади: «Искандар Марокандада эканлигига, (э. а. 329 й.) унинг ҳузурига 1500 суворий билан

¹² Древние авторы о Средней Азии, Ташкент, Госиздат, 1940, стр. 38.

¹³ Уша асар, 155-бет.

¹⁴ Я. Ф. Фуломов, Хоразмнинг сугорилиши тарихидан, 95-бет.

хоразмликлар шоҳи Фаразман келди. Фаразман, унга колхлар ва амазонлар (Шимолий Қавказ) қўшни эканлигини айтиб, агар Искандар уларга қарши юришни истаса, бу юришда унга ҳамроҳ бўла олишини ва қўшиини озуқа билан таъминлаш вазифасини ўз устига олиш истагини билдириди. Ўзи эса Эвксин денгизи яқинидаги қабилаларни бўйсундириш ниятида эканини айтди... Искандар Фаразмани олқишлиб, у билан ҳарбий иттифоқ тузди ва Понт (Қора денгиз бўйи)га қўшин тортиш фурсати эмаслигини уқдирди»¹⁵.

Юнон олимларининг маълумотларига қараганда, Хоразм воҳасининг халқи ибтидоий замонда деҳқончилик билан бирга, овчилик билан ҳам шуғулланганлар. Маълумотларининг бирида шундай дейилади: «Варварларнинг бу ерлардаги муҳим бойлиги ўрмон ва яйловларда қамаб олингани турли ҳайвон подаларидир. Улар бунинг учун катта ўрмонларни танлашган. Бу ўрмонлар доим қайнаб турувчи булоқлар билан сугорилган. Улар ўрмонни девор билан ўраб олиб, овчилар учун муҳофаза миноралари қуришган. Подаларга тўрт йил қўл теккизилмаган. Искандар у ерларга қўшин билан келиб ов бошлишни буюрди»¹⁶.

Абу Райҳон Беруний юнон ва араб олимларининг хабарларини атрофлича ўрганиб, Хоразмнинг тарихий географияси ва геологик тузилиши юзасидан текширув олиб бориб, қўйидагича холосага келади:

Биз орасида чиганоги бўлган тошларни Журжон билан Хоразм оралиғидаги қумли саҳродан ҳам топа оламиз. Илгари бу ерлар кўлга ўхшар эди. Чунки Жайхун,— мен бу ерда Балх дарёсини назарда тутмоқдаман,— шу жойдан Балхан номи билан машҳур бўлган шаҳар орқали оқиб ўтиб, Ҳазар денгизига қуйилган. Бутлимус (Птолемей) ўзининг «География» китобида бу дарёнинг қўйилиши жойи ҳақида ёзар экан, уни Гиркан, яъни Журжон денгизига қуйилади, дейди. Ҳозир Бутлимус замони билан бизни тахминан 800 йил ажратиб турити. Ӯша даврларда Жайхун Земм (Карки) билан Амуя (Чоржўй) оралиғидаги жойдан бурилиб, ҳозир чўл бўлиб ётган шу жойлардан оқиб ўтган; Балхан шаҳригача бўлган шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлаган ва Журжон билан Ҳазар ўртасида денгизга қу-

¹⁵ Древние авторы о Средней Азии, стр. 53.

¹⁶ Древние авторы о Средней Азии, стр. 71.

йилган¹⁷. Кейинчалик Жайхун ўз йўлида тог-тўсиқларга учраб, унинг суви ғузлар юрти томон бурилган. Аммо, йўлида Беруний замонида «Фамм ул-асад» деб аталган, хоразмликлар тилида Сикр уш-шайтон дейилувчи тог учраб, унинг бағрида сув тўплана бошлаган. Беруний тогининг юқори чўққиларида сув тўлқинлари қолдирган изларни кўради. Сув кўпайиб, бир марҳала жойдан тогни кесиб ўтган. Мазкур жойнинг халқ орасида «Дулдул ҳатлаган», Даани шер (Даҳани шер) сингари номлари ҳам мавжуд¹⁸. Беруний замонидаги Фамм ул-асад номи ўзбек тилида шер даҳани, оғзи маъносини билдиради. Хоразмликлар тилидаги «Сикр уш-шайтон» эса «Шайтон банди» деганидир. Жайхун энди Беруний замонида ал-Фаҳмий деб аталган ўзандан Фароб томон оқабошлаган. Ал-Фаҳмий Ақчадарёнинг қуруқ ўзани бўлиб, Амударёнинг қадимий дельтаси ҳисобланган. Шимолда, Орол деңгизидан 100 км узоқликда Ақчадарё Жанидарё билан қўшилган; Жанидарё Сирдарёнинг қадимий ирмоғи эди. Ақчадарё милоддан аввалги III минг йилликдан I минг йилликкача оқиб турган. Одамлар, Берунийнинг таъкидлашича, дарёнинг ҳар иккى томонидан уч юздан ортиқ шаҳар ва қишлоқ бунёд этган эканлар¹⁹.

«Кўп ўтмай дарё оқими яна тўсиқларга дуч келиб, сўл томонга, қипчоқлар юртига, Хоразм билан Журжон оралиғидаги чўлдан ўтувчи Води Маздубаст ўзанидан оқабошлади»²⁰. Амударё Маздубаст ўзанидан оқиб, кеининг Доудон, Тунадарё ва Дарёлиқ сингари ирмоқлар системасини ташкил этган. «Бу ўзан узоқ даврлар улкан майдоннинг гуллаб-яшинашига сабаб бўлди. Бироқ кеин янга қақраб қолди. Шу ерда истиқомат қилган аҳоли Ҳазар деңгизи қирғоқларига кўчдилар. Улар алон ва ос уруглари бўлиб, тиллари хоразм ва қипчоқ тилларидан ташкил топгандир»²¹. Энди дарё Хоразм томон оқабошлаган. Илгари Хоразм водийсиинг бошланишидаги тог тизмалари орасидан сизиб ўтган оз миқдордаги сув оқоваларигина унга қараб оқиб турган бўлса, энди дарё суви тог тизмаларини ювиб, сув водийни босиб, улкан кўлга айлантирган. Бора-бора дарё ўз йўлига тушиб ол-

¹⁷ Абу Райхан Беруни, Избранные произведения, т. III, Ташкент, 1972, стр. 95.

¹⁸ Я. Ф. Гуломов, Хоразмнинг суфорилиш тарихидан, 19-бет.

¹⁹ Абу Райхан Беруни, т. III, стр. 95.

²⁰ Уша асар, ўша бет.

²¹ Уша асар, 95-бет.

гач, гил босған водийда қуруқликлар ҳосил бўлди; кўл эса сурила бошлади. Унинг йўлини яна тоғ тўсиб қолди. «Энди сув туркманлар яшаб турган ерларга — шимолга оқабошлади. Бу кўл билан Води Маздубаст ёнида ҳосил бўлган кўл оралиги унчалик катта эмас. Води Маздубаст кўли ўтиб бўлмас ботқоқлик ва қатқалоқлик жойга айланди. Уни туркча «Хиз танкизи», яъни «Қиз денгиз» деб атар эдилар»²². Ҳозир у Сариқамиш номи билан машҳур. Дарё Сариқамиш орқали Узбойни ҳам сув билан таъминлаб турган. VIII асрга келиб эса сув Узбойга ўтмай қўйган²³.

В. В. Бартольдининг таъкидлашича, Хоразм X асрда Амулдан 5 кунлик йўл қўйироқда бўлган, Тоҳирия мавзендан бошланган. XI аср ва ундан кейин ҳам Хоразмнинг энг Жанубий чегара нуқтаси Дарғон (Доругон), Тоҳириядан 16 фарсах қўйироқда бўлган²⁴.

Хоразмда суғориш ва деҳқончиликнинг қадимдан тарақкий этгани кўпгина илмий тадқиқотлардан маълум. Бу ҳол деҳқончиликка ва суғориш техникасига зарур бўлган фан соҳаларининг тараққиётини тақозо этар эди. «[Хоразмликлар] ой манзилларини ишлатардилар ва улардан [астрологияга оид] ҳукмлар чиқарадилар. Уларнинг тилларида манзилларнинг номлари бўлиб, буларни ёдда сақлардилар. У [манзил]ларни ишлатувчи ва уларни кузатиш кайфиятини яхши билиб, шунга асосан далил келтирувчи кишилар қолмади... Мунажжим хоразм тилида «ахтар веник» дейилади. Бунинг изоҳи «ой манзилларига қаровчи» демакдир. Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар...»²⁵, — деб фикрини давом эттиради Беруний.

Абу Райҳон Беруний қадимги Хоразм тилини муқаммал ўрганиб, қадимий хоразмликларнинг йил ва ойлари ҳисоби ва тартиби, урф-одати ва маросимлари тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирди. «Хоразм аҳли йил ва ойлар бошлари сугд аҳлиникига мувофиқ бўлиб. Эронликларникига эса мухолифдир... Хоразмликларнинг расм-русумлари сугдийларникига ўхшайди»²⁶, — деб ёzáди Беруний.

²² Уша асар, 96-бет.

²³ Низовья Аму Дарын, Сарыкамыш, Узбай, История формирования, М., 1960, стр. 194.

²⁴ В. В. Бартольд, Соч., т. I, М., 1962, стр. 476.

²⁵ Беруний, Таилангани асарлар, I том, 282-бет.

²⁶ Абу Райҳон Беруний, Таилангани асарлар, I том, 280-бет.

У ўзининг «Ёдгорликлар» асарида хоразмликларда ўзидан илгари ой номларининг тўлиқ аталишини келтиради ва халқ тилида ишлатилган қисқа номларини ҳам санаб ўтади. Масалан: Новсоржий, Ардвст, Ҳрвдод, Жири (Чири), Ҳмдод, Ахшриврий, Авмрий (Умри), Ёнохи, Арв, Римжд, Аршми, Исафандоражий²⁷.

Беруний хоразмликларининг динларга алоқаси бўлмаган муҳим сана ва ҳайитларини ҳам тадқиқ этади:

Новсоржий — Наврўз ойининг биринчи куни.

Арижосувон (арижхос чузон), яъни «энди кийимдан чиқилади», «ялангоч бўлиш ва очилиш вақти» демакдир. Бу сана Ҳрвдот ойининг биринчи куни бўлиб, исломдан олдин ҳаво қаттиқ қизиган вақтда келади. Беруний замонида кунжут ва у билан бирга сепиладиган уруғларни сепиш вақтига тўғри келган.

Ажгор (ўтии ва аланг) — бу байрам чири ойининг ўн бешинчи куни белгиланиб, оловга исениш керак бўладиган вақтда келган. Беруний даврида ёз ўртасига тўғри келган.

Фагруба, фгбрих (шоҳнинг чиқиши вақти) — бу байрам Ахшривири ойининг биринчи кунидир. Шу куни Хоразмшоҳ шаҳар четига чиқиб, шу жойда қишилаб, ўз чегараларини ўғуз туркларидан ҳимоя қилган.

Аздоканд хвор (ёғлиқ ион ейини куни) — умри ойининг биринчи куни. Хоразмликлар шу куни совуқдан уйларига кириб олов ёқилган ўчоқлар атрофига йиғиладилар ва ёғлиқ ион ейдилар.

Намхб — римжла ойининг ўн бешинчиси. Шу кунлари хоразмликлар буғланадиган ва тутатиладиган дорилар ишлатадилар, жинилар ва ёмон арвоҳлар заҳарларини даф этиш учун ис чиқариб, овқат пиширадилар.

Хеж (турмоқ) — испандормажи ойининг тўртинчи куни.

Вахш ангом — Вахш, Жайхун сувига вакил қилинган фаришта исеми: мазкур ойининг ўнинчи куни келган.

Инча (бир-бирига яқин уйлар) — шу ойининг йигирманчи куни белгиланган²⁸.

Абу Райхон Беруний 959 йили (Искандар эрасининг 1270 й.) Хоразмшоҳ ўтказган тақвим (календарь) ислоҳоти ҳақида ҳам ёзар экан, бунга асосий сабаб қилиб,

²⁷ Уша асар, 84-бет.

²⁸ Қаранг: Беруний, Танланган асарлар, I том 280—282-бетлар.

Эски хоразм йил ҳисобини яхши биладиганларнинг сони жуда ҳам камайиб кетганини кўрсатади. Ислоҳ бўйича хоразмча ойларнинг бошларини юонолар ва сурёнийлар ойларининг аниқланган кунларига қўйдилар. Шунда хоразмча ойлар уларники сингари кабисали бўлди. Энди «Новсоржининг биринчи [куни] сурёнча найсоннинг учинчи куни деб келдилар... ажфор ҳамиша таммуз ойининг ярмида келадиган бўлди. Ер ишлари вақтларини, масалан, майиз солиш учун узум узиш вақтини ўша [муддатга] белгиладилар, чунки бунинг вақти ажфордан қирқ кундан то эллик кун ўтадиган [муддат] эди. Узумни осиб олиши учун узиш ва нокларни териб олиш вақтини ҳам шундай белгиладилар, чунки буларнинг вақти ажфордан эллик беш кундан то олтмиш беш кун ўтадиган [муддат] эди. Шунингдек, экин экиш, [дараҳтлар] гулларини чанглатиш, кўчат ўтказиш, пайванд қилиш ва бошқа ҳамма нарсаларнинг вақтларини аниқладилар»²⁹.

Гарчи Абу Райҳон Беруний афсусланиб, Хоразм ёзуви ва тилини биладиган кишилар қолмаганини қайд этгани бўлса-да, совет олимлари ва тадқиқотчиларининг изланишлари натижасида, хоразм ёзуви ва алифбеси аниқланди. С. П. Толстов бошчилигида ўтказилган археологик текширувлар натижасида тери ва ёғоч тахтачаларида хоразм ёзувида ёзилган юздан ортиқ ҳужжат топилди. Хоразм ёзуви Суриянинг қадимий арамей ёзувига ўхшар экан. Мазкур ёзуви Ахамонийлар (э. а. 558—330 йй.) сулоласи давлати территориясида кенг тарқалган бўлиб, Ахамонийлар девонхонасининг одатдаги ёзуви ҳисобланган. Ахамонийлар девонхоналарида суриялик котиблар ишларди. Форс мих ёзуви эса тантанали китоба ёзувларида ишлатилган.

XIII—XIV асрларгача Жанубий Хоразмда сақланиб қолган хоразм тилининг қолдиқлари осетин тилига яқинлигини кўрсатди. Хоразм тили осетин ва сүғд тиллари қатори саксон сармат тиллари группасига кириб, сүғд тилига қараганда кўпроқ осетин тилига яқинроқдир³⁰.

Абу Райҳон Беруний Амударё ўз оқимини ўзгартириши билан хоразмликларнинг бир қисми Қаспий денгизи қирғоғига кўчдилар, деб ёзади. Мазкур алон ва ос қа-

²⁹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, 285—286-бетлар.

³⁰ С. П. Толстов, По следам древнекорезмийской цивилизации, стр. 161.

билалари Шимолий Қавказга күчгандыгынни америкалык шарқшунос олим Ричард Фрай ҳам таъкидлайды³¹.

Хоразмликлар орасида олим ва фозил кишилар күй бўлган. Муқаддасий хоразмликлар ҳақида: «улар боақл одамлардир, илмлар, фиқх, адабиёт, Қуръонини яхши биладилар»,— деб ёзди. Тарихий манбаларда қўшни мамлакатларнинг кўпчилик ҳукмдорлари саройида хоразмлик олимлардан маслаҳатчилари бўлгани қайд этилган.

Шаҳарларнинг ўсиши, мамлакатнинг иқтисодий қудрати ва қўшни давлатлар билан иқтисодий-сиёсий муносабатлари илм-фан тараққиётини белгиловчи омиллардан эди.

Хоразм диёрининг баъзи қадимий шаҳар ва каналлари

Кос (Кот), Қиёт, Хоразм. VII—X асрларда Хоразм ўлкасининг пойтахти эди. «Хоразмнинг пойтахти Даржош эди. У вайрон бўлгач, ҳалқ унинг яқинидан бошқасини қурди ва хоразмасига Кос деб атади. Шаҳар қалъя ва қўрғондан иборат эди... Шаҳар ўртасидан Жардур деган канал оқар, у шаҳарни ва унинг бозорини кесиб ўтар эди... Шаҳар кенглиги ва узунлиги учдан бир фарсаҳча бўлган. Бозорлари обод, савдо-сотиқ қизғин эди»³²,— деб ёзди Ибн Ҳавқал. Муқаддасий эса: «Косни Шаҳристон ҳам дер эдилар, Амударёниң шарқ томонида. Унда Жомеъ масжиди бозор ўртасида жойлашиб, масjid одам бўйи келадиган қора тош устига ёғоч устунлар қўйиб қурилган... Шаҳар обод, олиму фозилларга сероб, аҳолиси тўқ, озиқ-овқатга мўл-кўл яшайди. Шаҳар моҳир меъмор ва қориларга бой. Бу каби ҳунар эгаларини Ироқдан қидириб топиш амри маҳолдир. Улар ажойиб оҳанг билан қироат қиласидар; чехралари ҳам хуш манзардир. Бу ҳолни бошқалар ҳам қайд этишган»³³,— деб ёзди. «Худуд ул-олам» муаллифи Косни «ғуз-турк мулкларининг дарвозаси» деб таърифлайди. У ерда ёзилишича, Косга Туркистон, Мовароунаҳр ва Ҳазарнинг савдо аҳли келиб турар экан.

³¹ Ричард Фрай, Наследие Ирана, стр. 27, 217.

³² Материалы по истории туркмен и Туркмении, стр. 183.

³³ Там же, стр. 186.

Аҳоли ғазо талаб ва жанговардир; шаҳар жуда бой бўлиб, у ердан ёстиқларга ёпгичлар, кийим, карбос, жун, ях, рухбин (сут маҳсулоти) сотиб олиб кетар эдилар.

Э. Захау бўлса араб географлари Қос ёки Фир деб атаган шаҳар аслида Хоразмдир; Хоразм фақат ўлка номи бўлмасдан шаҳар — пойтахт номи ҳамдир, деган фикрни илгари суради. У ўзининг «Хоразм тарихи ва хронологиясига доир» асарида Хоразм тўғрисидаги араб географлари фикрларини Беруний тадқиқотлари билан солиштиради. У, аввало шаҳар номининг қўллэзма манбаларда ал-Фир эмас, ал-Фил ёзилганини қайд этиб, «Хоразм» шаҳар номи эканлигини исботлаш мақсадида араб географ олимларининг Хоразм тўғрисидаги фикрларини таҳлил этади.

Ал-Балозурӣ (вафоти 279/892) ўзининг *Китоб ул-футуқ* («Фатҳлар китоби») асарида Хоразм шаҳрини шундай тавсиф қиласди: Хоразм уч шаҳардан (ёки уч шаҳар қисмларидан) ташкил топган. Улар хандақлар билан ўралгаи. Ал-Фир шаҳарнинг энг мустаҳкам қисмидир... Учала шаҳар қисмлари ўртасида уларни қамал пайтида сув билан таъминлаб турадиган катта ҳовуз мавжуд.

Балозурӣ фикрича, Хоразм уч қисмдан иборат шаҳар маъносини билдирган. Фир эса унинг энг мустаҳкам қисми, яъни қалъаси демакдир. Қолган қисмлари қандай ном билан аталганлигини у айтмайди.

Иби Хурдодбек (ваф. 300/912) *Китоб ул-масолик ва-л-мамолик* асарини ёзган. У Хоразм билан бир қаторда Кот шаҳрини ҳам эслаб ўтади.

Истахрийда Хоразм тўғрисида тўлиқроқ маълумот берилган. У ал-Балхий (322/934 йили вафот этган) асарини 340/951 йили қайта ишлаган. Унинг ёзишича, Хоразм пойтахти Окснинг шимолида жойлашган. «Мамлакатининг бош шаҳри хоразм тилида Кот дейилган... Бироқ Окс уни вайрон қилди, халқ эса унинг орқарогидан макон тутдилар (яъни шарқда). Дарё яна қалъага яқинроқ келиб қолди. Қалъанинг нураш эҳтимоли ҳам бор. Жомеъ масжиди қалъанинг орқасидадир. Хоразмшоҳнинг саройи шу Жомеъ масжид ёнида; зиндан қалъа яқинида жойлашган. Шаҳар ўртасидан Жардур канали оқиб ўтади. У шаҳар билан бозорни иккى қисмга ажратиб туради. Шаҳарнинг эни ва узунлиги фарсахнинг учдан бир қисмига яқин. Шаҳарнинг вайрон бўлган қисмидаги дарвозалари йўқ бўлиб кетган, қолган қисми вай-

рон бўлган қисмининг орқасида, водийнинг қўйироғида қурилган.

Хоразм — сермева шаҳар; озиқ-овқатга сероб. У Окс дарёсининг гарбий соҳилида жойлашган, Журжониядан уч кунлик йўлда эди.

Балхий — Истахрийларнинг йўл эсадаликлари Ибн Хавқал томонидан учинчи бор қайта ишланган. У 331/943 йилдан бошлаб ўз саёҳатини бошлаган, 367/978 йили эса йўл хотираларини ёзиб тутагтган. Унинг Хоразм тўғрисида ёзгайлари Истахрийниги мос келади. Балхий даврида шаҳарнинг бир қисми Окс дарёси ювиб кетган бўлса ҳам гарчи у омонат турган бўлса-да, қалъя бор эди. Ибн Хавқал даврида эса, шаҳардан ҳам, унинг қалъасидан ҳам ному-нишон қолмаган. Бузилиб кетган шаҳардан четроқда янги қурилишлар бор. Сув олиб кетган шаҳарнинг баъзи қолдиқлари кейинроқ ҳам сақланган бўлиши эҳтимол. Беруний, шаҳарни Искандар эрасининг 1305 йилида (384/995) бутунлай сув олиб кетди, деб ёзди, чунки у ҳам эски шаҳар ва қалъани ўз кўзин билан кўрган бўлиши мумкин.

Ёқут 616/1219 йили Хоразм бўйлаб саёҳат қилиб, ўз асарида Хоразм сўзини шаҳар номи сифатида эмас, балки улкан мамлакат номи деб тушуниди. У ўзидан илгари ўтган Ибн Фадлоннинг Хоразм шаҳар номи деб ёзган мулоҳазаларига эътиroz билдиради. Ёқут замонида Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Журжония) эди. У Хоразмнинг маданиятини кўкларга кўтариб мақтайди ва бундай гуллаб-яшинаган ўлкани бошқа ерда кўрмаганиман, дейди. Кот хоразм тилида тош ёки кирпич девор, ҳаёт маъноларини билдиради, деб ёзди Ёқут.

Ёқут ўз асарининг учинчи қисмида Хоразмнинг энг қадимий пойтахти Фил бўлиб, кейинчалик эса Мансура деб аталганини ёзди. Унинг ёзганларидан қуйидаги хуносага келиш мумкин: Гурганж илгари Окснинг гарбий томонидан Фил ёки Мансурашинг рўбарўсида жойлашган кичик шаҳарча бўлган. Филини Окс ювиб кетгач, унинг аҳолиси Гурганжга кўчиб ўтган. Филдан ному-нишон қолмади, Гурганж эса гуллаб-яшинади, обод бўлди. 618/1221 йили Гурганж мўғуллар томонидан босиб олинди ва вайрон этилди.

Шундай қилиб, хоразмликларнинг энг қадимий қароргоҳи таҳминан дарёning шарқий томонида жойлашган. Хоразмликларни Окснинг шарқий томонида истиқо-

мат қилувчилар, деб тушунгай юони географиянинг бу ҳақдаги хабарлари фикримизни тасдиқлади.

Мазкур шаҳар уч қисмдан иборат бўлган, унинг икки қисми — эски шаҳар ва қалъа Окс суви таъсирида нураб борган.

Хоразм иоми шаҳарининг эски қисмига муносиб эди. Уни Жардур канали икки қисмга ажратиб турган. Тахминларга кўра, шаҳарининг бу қисми ҳам қадимий бўлган. Қадимги Эрон одатига кўра, бутун ўлка шу ном билан юритилган. Окс шаҳарининг бу қисмини ювиб кетгандан кейин, 350—384/961—994 йили унинг сўнгги излари ҳам йўқ бўлиб кетди. Шаҳарининг иоми ҳам тилга олинимай қўйди. Ҳатто Ёқут замонига келиб, Хоразм ўлканинг пойтахти бўлгани ҳам унтилди. Шаҳар ташқарисида (қайси томонда бўлгани номаълум) мустаҳкам қалъа бўлган; унинг яқинида эса давлат муассасалари, масалан, саройлар, Жомеъ масжиди ва зиндон жойлашган. Шаҳарининг энг мустаҳкам қисми қалъа бўлиб, у Фил деб аталган. Биз Фир кўринишини оламиз, чунки бу ерда қадим Эрон товуши \cup (р) кейинги даврларда \cup (л) билан алмашган. Қалъа Оксининг емирувчи зарбаларига анча узоқ чидаган. Аммо Ибн Хавқал замонига келиб, ундан ном-нишон ҳам қолмаган.

Берунийнинг ёзишича, ал-Фир Хоразм шаҳрининг чеккасидаги лой ва хом ғиштдан қурилган қалъа бўлиб, бирни-бирийнинг ичига жойлашган ва баландликда бир-биридан қолишмайдиган уч қават қўрғон эди. Бу қўрғонлар тепасида, Ямандаги Гумдон сингари, подшоҳларининг қасрлари бор эди.

...Ал-Фир ўн милча ва ундан кўпроқ масофадан кўринар эди. Жайхун ҳар йили уни бузиб, йиқитиб ва парчалаб олиб кета берди, ниҳоят Искандар тарихининг минг уч юз бешинчи йилида ундан асар ҳам қолмади³⁴.

Қалъани сув олиб кетиши билан, унинг номини ҳам унудилар. Шунинг учун, Ёқут Фил Хоразм ўлкасининг қадимий пойтахти бўлган, деган тахминий ҳукм чиқарган. Ана шу шаҳар икки қисмининг йўқ бўлиши, улар номининг ҳам унтилгани билан унинг учинчи қисми — Кот сақланиб қолган эди. Кот шаҳарининг энг улкан ва Оксдан узоқроқда жойлашган қисми бўлган. Ибн Хур-

³⁴ Бу йил милоднинг 993 йилига, яъни Берунийнинг мазкур «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асари ёзилишидан етти йил олдинги даврга тўғри келади.

додбөх даврида мазкур шаҳар анча кенгайған бўлиб, у Котни Хоразм билан бир қаторга қўяди. У араб истилолари даврида ҳам бўлган. Чунки Балозурйнинг ёзишича, Хоразм уч қисмдан таркиб топиб, эски шаҳар (Хоразм), Қалъа (Фил) ва Котдан иборат бўлган. Шаҳарининг сўнгги қисми Котни биз Үрга Осиёнинг бошқа шаҳарлари сингари рабад (работ) деб атамиз; яъни шаҳар чеккаси, шаҳарининг девордан ташқари ва Балозурй эслатганидек, сувли хандақ ичкарисидаги қисми. Ана шу қалъа девори билан сувли хандақ оралиғидаги шаҳар қисми халқ тилида «беруни» деб аталган, яъни ташқи шаҳар. Беруний мана шу шаҳарда дунёга келган. Шу туфайли у ўзини Беруний деб атаган.

Демак, у Хоразмининг эски шаҳар қисмida туғилган. Шаҳарининг қолган икки қисми Оксга яқинроқ жойлашгани учун, уларни сув ювиб кетган, харобаларигина сақланиб қолган.

Журжония (Гурганж—Урганҷ). Хоразм ўз аҳамиятини йўқотаборган сари, Гурганж ободонлашиб борди. Ҳижрий IV асрда Кот ўлканинг энг йирик ва бош шаҳри ҳисобланарди. Территория жиҳатидан Гурганж иккичи ўринда турар эди. 385/995 йили пойтахт Котдан Гурганжга кўчирилгандан кейингина унинг аҳамияти ўди. Еқут келгандаги Гурганж анча ободонлаштирилган эди. Еқут Филни сув ювиб кетгач, унинг аҳолиси дарёнинг нариги томонидан макон тутди, деб ёzádi.

Гурганж жуда ҳам қадимий шаҳар бўлган. Истахрий даврида у Оксдан бир фарсах масофада жойлашган бўлса, Еқут замонида эса дарё ёқасида бўлган. Иби Руста (903—913)нинг ёзишича, Журжония Амударёнинг ғарбий қирғонида жойлашиб, Котдан 24 фарсах қўйироқда бўлган. «Худуд ул-олам» муаллифи Гурганж ҳақида қўйидагиларни ёzádi: «Гурганж қадимда Хоразмшоҳга қарашли бўлган шаҳар. Ҳозир унинг ўз шоҳи бор бўлиб, «мири гурганжий», дейилади³⁵.

Шаҳар жуда бой бўлиб, турклар мулкига дарвоза ҳисобланарди. Ҳар тарафдан келган савдогарлар тўпланидиган жой эди. Шаҳар ички ва ташқи қисмга бўлинган. Аҳолиси жанговар ва ўқ-ёй отишда моҳирлиги билан шуҳрат топган»³⁶.

³⁵ Асар (982/83 й.) Маъмун томонидан Жанубий Хоразмининг босиб олинишигача ёзилган.

³⁶ Материалы по истории туркмен и Туркмении, стр. 36—37.

Муқаддасий «Журжония Хоразмнинг Хуросон томонидаги йирик шаҳри; Жайхун бўйида жойлашган. Шаҳарни дарё ювиб ўтади. Ёғоч ва тахталар билан сув ювган томон тўсилганида, дарё уни четлаб оқадиган бўлиб қолди»³⁷, деб ёзади. 1900 йили Кўҳна Урганч харобаларидан қўрғошин парчаси топилган эди. Ундаги арабча ёзувга биноан, минора 401/1010 йили қурилган деб айтиш мумкин. Анча вақт ўтгач, Гурганч қайта тикланган ва мўгуллар унга Урганч деб ном қўйганилар. XIV аср географ олимни ал-Умарийнинг ёзишича, у «Жайхуннинг шалворга ўхшашиб иккита тармоғининг оралиғида қолди»³⁸.

XIX аср бошларида ўтган хоразмлик олим Худойберди иби Қўшмуҳаммад Журжония ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Журжониянинг суви Сирдарёсидин келур эркан. Бу шаҳарнинг мақомини мундоқ тайин қилурларким, шарқияси Боглон, шимолини Оқча денизи, ғарбияси Гурлан, жанубияси Қиёт дерлар. Мунинг хароблиғини сувдан кўрарлар. Сирдан келадиган сув зироатға етмасин учун, Амуя сувиким, Үнгузнинг жанубиндин ўтар эркан, уч қирни тушиб ўтиб бир ёғ сув олибдурлар... Атрофи ҳама қалъа, экин, боғлиқлар бўлган. Бу қалъани сув босиб ҳароб қилган. Андин бир минорани боқий қолган дер эрканурлар. уни Бойназар сўфи деган бир азиз йиқиб, тошиндин масжид бино қилған. Ҳоло Тошқалъада бор. Сўфийи мазкурнинг мозори шул миноранинг ўрнинда воқеъдур. Шул атрофнинг саксондин ўтган боболари мундоқ эшитган ва кўрганким, минорани йиққаида бир хат чиқибдур. Үқубдурларким, 370 сутунли масжиднинг иккинчи минорасидур. Бу сўзнинг мазмуни буким, хутбаға азон айтадурғоннинг минораси бўлғон. Баландлиги 30 қари эрмиш. Бу масжиднинг атрофида 150 мадраса ва бозор, сарой бор эркан. Ҳаммаси сувға ғарқ бўлубдур»³⁹.

Абу Райҳон Беруний Журжония Хоразмнинг дарё гарбий томонидаги иккита шаҳарнинг бири деб, унинг географик жойланишини қуйидаги аниқлаган: узунлик бўйича $84^{\circ}1'$ да, кенглик бўйича $42^{\circ}17'$ ⁴⁰.

Хивақ (Хива)— қадимий номи Рамл. «Муни бино қилған Сом иби Нуҳ, ким отасининг тузатган кемасига

³⁷ Там же, стр. 187—188.

³⁸ В. В. Бартольд, Соч., т. III, М., 1969, стр. 50.

³⁹ Дири гаройиб, ҮзФАШИ қўлёзмаси, инв. № 1335, в. 556—56а.

⁴⁰ Абу Райҳон Беруний, Конуни Маъсъудий, араб тилидан А. Расулов таржимаси, 608-саҳифа.

ўхшатиб солғон ва кеманинг андозасига баробар ва ҳо-
ло Ҳивақға шуҳрат берурлар. Бу лафзни хазрати Пах-
лавон Маҳмуд валининг ўлган тарихидур деб ҳам ай-
турлар. Бу хазратнинг тарихи бу қалъага от бўлиб қо-
либдур. Аввалки оти Рамл, яъни жагазорлик [қумлоқ]
эркан. Сом келиб, ов [отиб] олиб ухлабдур. Туш кўриб-
дур: уч юз машъал ёнилгон. Вақти хуш бўлиб, туриб
нишона қўймоқлик учун атрофидин тупроқ олиб чага
(қум)нинг устига солиб, шаҳар андозаси қилиб қўйиб-
дур. Яна бир келганида девор қилибдур. Қалъанинг кун
ботиш тарафида бир чашма қазиб, сув чиқарибдур. Баъ-
зилар Ҳивақни бунга нисбат берурлар... Бу қалъани кўп
бузулиб, тузалган дерлар»⁴¹.

Замахшар — Ҳиванинг гарбида, бир кунилик йўлда.
Олдин сувсизликдан ҳароб бўлган. 1247/1830 йили у то-
мон канал ўтказилиб, обод қилингани.

Гурлан — қадимий қалъа; дарё ёқасида. «Дарёнинг
шимол тарафида тоғлиқлар бор. Қадимда андин олтун
оладурғон эркандурлар. Бу тогда алон чақмоқ тоши бор.
Қўрғошин, темур, фируза, мўмиё тоши ҳам бор дерлар.
Гугуртни замахшарнинг жанубинда тўрт манзиллик ер-
да бир қир бор, андин келтирурлар... Бу шаҳарнинг бо-
зор жойиси зиёда танг эрди. Қалъанинг шарқисинда
тахминан беш-олти таноб кўл бор эрди. Бу олий ҳазрат-
нинг амру фармойиши бирла фуқаро жамоаси бу мар-
ҳумнинг тарихинда (1247/1830 йил) 45 кунда кўмуб бо-
зор жойи қилдилар. Қадимда бир бояи олий эркан ва
турлук зийнатли саройлар ва кўшк ва кошикорли под-
шоҳнишинли, турлук мевали дарахтлар бор эркан. Ан-
дин бир гужум қолган эркан. Бу ҳам қурубдур. Онинг
таги ғалла бозори эрди. Ҳоло баққол жамоаси ва балиқ
пиширадурганилар дўкон қилиб ўлтирадурлар. Ошпаз-
лар ҳам дўкон қилубурлар растайи бозорга от берур-
лар;— ие учунким шаҳарнинг улуг йўлининг устидур.
Ҳижратнинг 1182/1768 йили бу шаҳарга вабо ва қаҳат
воқеъ бўлган. Мундин саҳал одам қуртилиб қолган.
Ҳижратнинг 1197/1783 йили ҳаводин бир оз булут пайдо
бўлуб, буғдои хирмонида арик пишганда, шаҳардин ўз-
га ерга ёғмай ўтди. Ҳар бир қатраси товуқнинг юмурт-
қаси чоқли бор эрди. Шаҳарнинг яқин ерларинда экил-
ган полизларни йўқ қилди»⁴².

⁴¹ Дили ғаройиб, ҲЭФАШИ қўллэзмаси, инв. № 1335, в. 566.

⁴² Дили ғаройиб, в. 199б, 200а.

Абу Райхон Беруний асарларида нима учундир Гурлан учрамайди.

Маздеҳқон, Миздеҳқон. Муқаддасийнинг ёзишича, «атрофида 12000 қўрғони бўлган кенг ва улкан вилоят. Унинг атрофи девор билан ўралган. Миздеҳқон дастлаб Ибн Руста томонидан тилга олиниди. С. П. Толстов уни ҳозирги Хўжайлидан 8 км жануби-ғарбда жойлашган Малумхон сулув касри ҳаробалари ўрнида бўлганини айтади⁴³. Яҳё Гуломов Миздеҳқон шаҳри Офригийлар даврида ҳам мавжуд бўлиб, у олдин Амударёнинг Курдер ўзанидан, кейинчалик эса, Курдер каналидан сув ичганини қайд этади⁴⁴.

Миёнгоҳ — чўл ўртасида, Нисо билан Хоразм оралигидаги мавзеъ; географик жойланишини Абу Райхон Беруний $83^{\circ}15'$ узунликда ва $40^{\circ}5'$ кенгликда, деб топади⁴⁵.

Дарғон — Амударёнинг сўл қирғоғида, ҳозирги Дарғонота (Туркманистоннинг шимоли-шарқида) жойлашган ўрта аср шаҳри. XI асрда Хоразмнинг энг жанубидаги шаҳри ҳисобланган⁴⁶. Абу Райхон Беруний Дарғонни Хоразмнинг Марв ва Бухорога томон чегараларининг охиргиси деб атаб, географик ўрнини $86^{\circ}24'$ узунлик ва $40^{\circ}30'$ кенгликда, деб белгилайди⁴⁷.

Курдар, Қардар — ҳозирги Чимбой ўрнидаги шаҳар. Чимбойнинг ўртасидан Қегайли (Қадимги Курдар) канали оқиб ўтади. У йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Каналнинг қўйилиш жойидан Чимбойгача ундан 350 сугориш шахобчалари чиқарилган; ўнг томонга — 175 ариқ, сўл томонга — 125 ариқ. Яҳё Гуломовнинг археологик қидирувлари натижасида Амударё ўзининг Курдар ўзанидан, яъни Гурганж ва Миздеҳқон оралиғидан IX асрдаёқ ўтгани аниқланди.

Истаҳрий, Муқаддасий ва Ибн Фадлан асарларида Курдар шу номдаги канал бўйидаги шаҳар сифатида тилга олиниди. Ёқутнинг таъкидлашига кўра, Қардар Хоразмдаги бир мавзеъ бўлиб, аҳолисининг тили «хоразм тилига ҳам, турк тилига ҳам» ўхшамаган. Беруний

⁴³ А. Ю. Якубовский, Городище Миздахкан, ЗКВ, т. V, Л., 1930, стр. 553.

⁴⁴ Я. Ф. Гуломов, Хоразмнинг сугорилиш тарихидан, 134-бет.

⁴⁵ Абу Райхон Беруний, Қонуни Маъсүдий, II жилд, таржима қўлзэмаси, 608-саҳифа.

⁴⁶ В. В. Бартольд, Соч., т. I, стр. 197.

⁴⁷ Абу Райхон Беруний, Қонуни Маъсүдий, таржима қўлзэмаси, 608-саҳифа.

туркларнинг Орол деңгизидан шарқда ва шимоли-шарқда жойлашган юртлари ҳақида гапирад экан, мазкур алон ва ос қабилаларининг тили хоразм тили билан неченег (қинчоқлар) тилидан ташкил тоғланлигини ёзди. Яхё Ғуломовининг фикрича, уларнинг тили хоразм ва туркман тилларининг қўшилувидан ташкил топган. «Худуд ул-олам»да ёзишича, Кардар — сераҳоли, экин ерлари бўлган шаҳар. У ердан мўйна олиб кетилган.

Гит — Хоразмининг гарбий чегарасидаги йирик шаҳар. Муқаддасийнинг ёзишича, катта-катта рустақ (қиншлoқ) лари бор, у гузлар юртига яқин мустаҳкам деворли чегара қалъаси.

Куджаг — Гитдан беш фарсах, Гурганждан 10 км узоқликда жойлашган.

Боратегин — Орол деңгизидан 30—35 км, Жайхундан 4 фарсах узоқликдаги мавзеъ. Муқаддасий уни төғ яқинидаги йирик қиншлoқ деб тилга олади; Обод бозори, Жомеъ масжиди бор, иморатлари пишиқ яхши лойдан ишланаётган, дейди у.

Варагдех — (Хоразм тилида Банд қиншлоги маъниосида) Гурганждан тўрт фарсах қўйироқда жойлашган қиншлoқ. Муқаддасий замонида Амударё Варагдех яқинидаги бандин бузиб, Халижон ўзанидан оқа бошлаган.

Мадминия — Хоразм воҳасининг шимолидаги қўргон, Боратегинидан 15 км берида, 2 кунлик йўлда. Мадминия Жайхундан 4 фарсах узоқликда жойлашган.

Амударё ёки Балх дарёси — Шрта Осиёдаги энг қадимий дарё. Қадимий номи форсча Вахшу (Вех-руд) сўзига яқин бўлиб, Оксусдир. Қадимий юнонлар уни Окс деганлар. Авестода — Арангха, қадимий хитойларда — Гүйшуй, хоразмликлар тилида эса — Окуз дейилган. Дарёдан ўтган кенувлар ҳақида Муқаддасий мана буларни ёзди: ...Амул йўли, кейин Сикави, кейин Моҳик борон, Хоразм гузаргоҳлари мавжуд. Орол кўлигача яна Дарғон, Жигарбанд, кейин яна бири, кейин Ҳазорасп, Кос ва яна бир неча гузаргоҳлар бор... Жайхундан чиқарилган каналларининг аксарий қисми Хоразмдадир. Булардан Караканалини узуилиги беш фарсах; Ҳазорасп канали бир кунлик йўл узунлигича бора-боргунича кенгайиб боради: кейин бир фарсах йўлгача тораяборади. У чўл ва экин ерларига сув беради. Кордарон хоҳ канали Ҳазорасп каналидан каттароқ бўлиб, ундан иккиси фарсах узоқда қурилган.

Хива канали ҳам кенг, ундан кемалар қатнайди.

Мадра каналидан ҳам кема қатнайди. У Хива каналидан ярим фарсах узоқликда.

Вадак канали ҳам Мадрадан ярим фарсах узоқликдан оқади.

Пойтахтдан қўйироқдан Бух канали ўтган. Бу каналга Андарастон қишлоғи яқинида иккала мавзеъ суви қўшилди. Унда кемалар Журжониягача боради. У ерда банд қурилган, сувлар қўшилган жойдан бандгача бир кунлик йўл.

Кардор канали пойтахтдан тўрт фарсах қўйироқдан бошланади. Тўрт жойда каналлар бир-бирига яқинлашиб, сўнгра бирлашади. Жайхундан Омул, Фороб ва бошқа шаҳарларни сув билан таъминловчи каналлар ҳам қурилган⁴⁸.

В. В. Бартольд таъкидлаганидек, араб сайёҳлари тасвиrlаган сугориш шаҳобчалари исломгача, ягона Хоразм давлати мавжуд бўлган замондан вужудга келган эди⁴⁹.

Иби Рустанинг ёзишича Амударё Хоразм (Кот) дан 4 фарсах қўйироқда кўллар, қамишзор ботқоқлик ва ўтилоқлар ҳосил қилиб, қибла томони Журжония билан Миздеҳқон оралигидан оқсан. Журжония унинг гарбий, Миздеҳқон эса шарқий қирғогида жойлашган. Журжония Котдан 24 фарсах қўйироқда. Шарқий қирғоқдаги Харвон қишлоғи Миздеҳқонга қарайди. Ундан қўйироқда яна иккинчи, учинчи қишлоқлар жойлашган. Агар шу ердан оқим бўйлаб сузилганда, чап томонга қараб бир тармоқ ажралиб чиқади ва у Варагдех мавзеигача оқиб боради. Бу мавзеъ Журжониядан 4 фарсах қўйироқдадир. Шу ерда дарё Варагдех қишлоғи ва Сиёҳкўҳ тоги яқинидан оқади. Кейин, Берабиз қишилогига қараб настга оқиб кетади. Қишлоқдан қўйироқда дарё кўпгини сув ҳавзалари, ботқоқликлар ҳосил қиласди. Улар Холижон деб юритилади. Бу ерда Хоразмдан бошқа томонларга олиб кетиладиган балиқ овланарди. Жайхун айланаси 80 фарсахча келадиган кўлга қўйилади. Унинг гарбий қирғогида Сиёҳкўҳ төғлари бўй чўзган, шарқий қирғогида эса бутазорли ботқоқликлар жойлашган. У ботқоқликлардан ўтиб бўлмайди. Фақат қабан юрган жойлардангина қийинчилик билан ўтса бўлади. Соҳил бўйлаб тор йўлдан «Янги қишлоқ» ҳукмдори ўтган.

⁴⁸ Материалы по истории туркмен и Туркмении, т. I, стр. 188—189.

⁴⁹ В. В. Бартольд, Соч., т. III, стр. 476.

Бу ҳақда Истахрийда (961 й.) қуйидаги маълумотлар берилган: Ведак каналидан Хоразм (Кот) шаҳригача 2 фарсах. Шаҳардан қўйироқда Журжония томон Бувва (Буе) номли канал ажралиб чиқади. Андаристон қишлоғи яқинида Бувва канали билан Ведак бирлашган. Бир оз қўйироқдан Журжонияга қараб Ведак ва Бувва оқади. Булардан кема ҳам Журжонияга бир ғалва (24 фарсах) қолгунча юради. У ерда банд бўлиб, кемаларни сақлаб қолади. Иккала каналнинг бирлашадиган жойидан Журжониягача бир ўтишлиқ йўлдир. Чақир ўғиз тоглари яқинида Хоразм кўлининг суви музлайди ва ёзгача эrimайди. Иби Хавқалининг фикрича, бутун ёз бўйи эrimайди, унинг ёнида қамишили ботқоқзор бор. Кўлнинг айланаси 100 фарсахга яқин. Суви шўр. Кўлдан чиқадиган ирмоқ йўқ. Унга Жайхун, Шоша бошқа дарёлар қўйилади. Шундай бўлса ҳам унинг суви чучимайди ҳам, кўпаймайди ҳам, бирдек тураверади... Бу билан Ҳазар денизи оралиғи 20 кунлик йўл. Котдан Дархосгача 2 ўтимлик йўл, Дархосдан Курдергача бир ўтимлик йўл; Курдердан Баротегин қишлоғигача 2 кунлик йўл. Мадминия билан Баротегин қишлоғи бир-бирига яқиндир. Мадминиядан Жайхунгача 4 фарсах, Миздеҳқон билан Жайхун оралиғи икки фарсах, шаҳар Журжония қаршисида жойлашган. Журжония билан Жайхун ораси бир фарсах.

Гурганждан чиқсан карвонлар жануби-ғарбга қараб Ҳурносон ва Гургон томон, шимоли-ғарбга эса — Ҳазарлар томон юришган. Ҳазарлар томон кетгани карвон йўли ҳақида X аср географлари бирор нарса лемайдилар. X аср бошларида Иби Фадлан Россияга шу йўл билан ўтган. XI аср олими Гардизий ўзидан аввалги манбаларга асосланиб «Гурганждан Хоразм тогларига ва шу тоглардан қинчоқларга қараб юриб, Хоразм денизига ўтилган; ундан ўтиб, ўнг томонга қараб йўлда давом этилади»,— деб ёзган.

Илк Хоразм давлати ва Беруний

Қадимда улкан територияни эгаллаган Хоразм ўлкаси македониялик Искандар замонигача Ахамонийлар ҳукмронлиги остида эди.

Беруний, хоразмликлар «Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўқ-

қиз юз саксон йил илгари бўлган эди»⁵⁰ (э. а. 1212 йилга тўғри келади), — деб ёзади. Афсуски, Беруний бу санани қандай манбадан олгани, нимага асосланиб шундай хulosага келгани ҳақида бир нарса демайди. У тарихий ривоятлар асосида олинганми, ёки илмий ҳисоблашлар итижасими? Бизга номаълум...

Бу борада Э. Захау ўзининг қўйидаги мулоҳазаларини баён этади: «Мазкур санани Беруний зардуштийларнинг дунёниг яратилиш тарихи ақидаси билан боғлаган бўлиши мумкин. Дунё тўрт бора 3000 йилдан Коннотнинг учтадан буржлари ҳукмронлиги остида бўлган. Бунда Хеш бўйича Зардуштнинг келиб чиқсанига 9000 йил бўлган. Агар биз Хоразмда одамлар жойлаша бошлигани йил (э. а. 1292 й.)дан араблар истилосигача (93/712 й.) бўлган муддатни 2000 йил (аслида 2004 йил) деб ҳисобласак, араблар ҳукмронлиги учун Балиқ юлдуз туркуми ихтиёридаги дунё мавжудлигидан буён бўлган охирги минг йиллик қолади»⁵¹.

Иккинчи давр тарих воситаси Сиёвуш иби Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг авлодининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан олинган. «Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари устидан ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан тўқсон икки йил кейин бўлди»⁵². Сиёвуш авлодларининг ҳукмронлиги давридан бошлаб йил ҳисоби тескари ҳисоблана бошлади. Сиёвушнинг Хоразмга келиши Искандардан 888 йил олдин, ёки э. а. 1200 йил деб олинган. Ҳар бир ҳукмдор ўз йил ҳисобига эга бўлиб, мазкур сулола шоҳларидан Офриғ давригача келдилар.

Нима учундир Берунийнинг тарихий маълумотлари Авесто, «Шаҳнома» ва бошқа манбаларнинг Кайёнийлар сулоласи тарихига доир ҳикояларига мос келмайди. Офрийлар сулоласи Хоразмда э. а. 1200 йилдан эрамизнинг 995 йилигача ҳукмронлик қилди. Бу фактлар мазкур даврга онд биз кўрган манбаларда учрамади. Сиёвуш отасининг хотниларидан бирининг фитнасидан қочиб келди. Чуники, унинг отаси Турун ҳукмдори билан

⁵⁰ Абу Райҳон Беруний, Таъланган асарлар, I том, 71-бет.

⁵¹ Э. Захау, Хоразм тарихи ва хронологиясига доир, 15-бет.

⁵² Абу Райҳон Беруний, Таъланган асарлар, I том, 71-бет.

тузилган шартномани тан олгиси келмади: у Афросиёбнинг қизига уйланиб, бир қанча вақт Кангизда истиқомат қилди ва охири шу жойда ўлдирилди. Қадимги бақтрияликлар талаффузича, Кангиз Кангха шаклида ишлатилган.

С. П. Толстов фикрича, хоразм тилида Кангха «Каналлар мамлакати» маъносини билдирган. Сиёвушнинг ўғли Кайҳусрав Эронга чақирилиб, бобоси томонидан таҳт вориси этиб тайинлангандан кейин, у ўч олиш мақсадида Туроига қарши уруш бошлади. Унинг баҳодирларидан Ашқаш Хоразмни забт этди. Кайҳусрав вафотидан сўнг, Кайённийлар шоҳлиги бошқа сулолага (Лухроспга) ўтади.

Кайҳусравнинг фарзаандларидан фақат тўрт қиз эслаб ўтилади, «Авесто»да эса унинг номаълум бир ўғли Охрўра эсга олиниади. Беруний турклар салтанати кенгайди, деб ёзади. Бу ерда гуз туркларининг бўйсундирилиши назарда тутилган бўлиши эҳтимол. Шуниси ажабланарлики, ана шу воқеалар ҳам Ҳоразмда деҳқончилик маданиятининг бошланган йили, яъни Искандар келишидан 888 йил олдин воқеъ бўлган. Беруний асарларида Искандаргача бўлган қадимги Эрон тарихига доир учта сана жадвали берилган.

Биринчиси, Эронда, умуман, қабул қилинган сана, биринчи Одамнинг пайдо бўлишидан тортиб, Доро ибн Доронинг вафотигача 3354 йил деб кўрсатилган. Кайковусининг ҳукмронлиги йиллари 2736—2886 йилга (150 йил) тўғри келади. Сиёвушнинг кўчиб ўтишига мажбур этган воқеалар унинг ҳукмронлигининг иккинчи даврига тўғри келади (2811—2886 йй.). Дастлабки одамнинг пайдо бўлишидан кейин ўтган муддат 2811 йил бўлиб, мазкур сана Доро вафотидан 563 йил ёки Искандар вафотидан 557 йил олдинга тўғри келади.

Иккинчи жадвалга мувофиқ Кайюмарсанинг вужудга келишидан Доро вафотигача ўтган муддат — 3134 йил. Бу ҳолда Кайковусининг ҳукмронлик даври 2496—2646 йилларга тўғри келади: ҳукмронлигининг ўрталиқ йили 2571. Доро вафотигача 563 ва Искандар вафотигача 577 йил олдинга тўғри келади.

Учинчи жадвалга кўра бу давр Кайюмарсанинг яратилишидан Доро вафотигача ўтган йиллар — 3352 йилини ташкил этади. Кайковус ҳукмронлиги 2734—2884 йй. Унинг ҳукмронлигининг ўрталиқ йили (2809 й.) Доро ва-

фотидан 543 йил, Искандар вафотидан 557 йил олдинга түгри келади.

Беруний келтирған жадваллардан шу нараса аниқладынди, Сиёвушнинг қочиши йили иккинчи Хоразм йил жадвалига түғри келмайды (Искандардан 888 йил олдин).

Булардан шундай хulosаса чиқариш мумкинки, Беруний алоҳида сана системасидан фойдаланган. Бу тартиб одатдагидан бошқачароқдир. Беруний хulosасининг қандай чиқарилганини, яъни Сиёвушнинг қочиши йили ҳақиқатан ҳам Искандардан 888 йил олдин эканлигини исботлашга ҳаракат қиласиз.

«Мужмил ут-таворих» бўйича Қайқубод Искандардан 1063 йил олдин подшоҳлик қилган. Фирдавсий фикрига қўшилиб, Қайқубод ҳукмронлиги 100 йил давом этган деймиз. Шунда Искандаргача 963 йил келиб чиқади. Бу сана Қайковус подшоҳлигининг бошланиш йили бўлади. У 150 йил подшоҳлик қилди. Агар Сиёвуш унинг ҳукмронлигининг иккинчи ярмида қочган деб олсак, шунда Беруний кўрсатган йил келиб чиқади; Искандаргача бўлган 888 йил (963—75=888).

Сиёвуш хонадони қабул қилган санани белгилаш усули, яъни йил ҳисобини шоҳларнинг ҳукмронлик йиллари бўйича белгилаш Искандар (311 й.) дан кейин 616 йилгача давом этди. Шу вақтда Хоразмда Сиёвуш авлодидан бўлган Офриғ подшоҳ эди. Берунийнинг ёзишича, у Сосонийлардан Ёздингард — сотқин сингари унчалик эътибори йўқ эди. Шунинг учун, ўз тахтини ўлимидан сўнг ўғлига қолдирди. Офриғ Искандардан 616 йил кейин ал-Фир орқасида ўзи учун бир қаср бино қилди. Қасрнинг бино қилиниши катта воқеа сингари қабул қилиниди. Беруний, шундай бўлдики, йил ҳисобини у ва унинг авлодидан бошлаб ҳисоблай бошладилар, деб ёзди. Қаср қурилиши йили бунда эътиборга олинмасдан, Офриғ — Сиёвуш авлоди шоҳлигини энди уларнинг ҳукмронлигига қараб, тартиб билан ҳисоб қилдилар.

Энди Берунийнинг хоразмликлар йил ҳисоби тўғрисидаги маълумотларига қайтамиз. Хоразмликлар «тарих олишда эронликларга эргашиб, Қайхусравининг [Хоразм] шоҳлари деб аталувчи наслидан бўлган ҳар бир [подшоҳ даврининг бошланишидан] тарих олдилар. Ниҳоят, Қайхусрав наслидан Офриғ подшоҳлиги бошланди... Офриғдан кейин унинг ўғли подшоҳ бўлди. Офриғ Искандар тарихининг олти юз ўн олтинчи йилида (305 й.) ал-Фир

устига ўз қасрини қурдирди. Кейин хоразмликлар Офриғ ва унинг авлоди подшоҳлигидан тарих олдилар»⁵³.

Беруний Офриғгача бўлган Хоразм шоҳлари сулоласини бирма-бир санаб ўтади. У Муҳаммад пайғамбарнинг чиқиши (610 йил) гача бўлган шоҳларни тилга олиб, 305 йил ичида ўнта шоҳ ўтган дейди: Улар қўйидагилардир: Офриғ, Бўъза (Бугра), Сухтаңг (Сахбанг), Аскажамук (Искажмук), Азкожвор, Сухар, Шовуш, Хомгари, Бузкор, Арсамух (Артамух). Сўнгги шоҳ Артамух, Берунийнинг таъкидлашича, Муҳаммад пайғамбарга замондош эди.

Араблар истилоси ва Беруний

Муҳаммаднинг чиқишидан тортиб, Қутайба ибн Муслим томонидан Хоразмнинг истило этилиши (93/712 й.) гача ўтган 102 йил ичида мазкур хонадондан Саҳр, Сабари, Азкожвор, Аскажамуклар ҳукмронлик қилилар. Аскажамук Қутайба ибн Муслим томонидан шоҳ қилиб тайинланди. Аскажамукнинг исёнкор укаси эса тор-мор этилган эди. У Қутайбага ҳар йили хирож тўлаш ва бир тўда мусулмон қўшини билан араб ноибини Хоразмда сақлаб туриш мажбуриятини олди.

Балозурӣ ўзининг «Китоб ул-футуҳ» асарида Хоразмнинг араблар томонидан истило қилиниши ҳақида баъзи бир тафсилотларни келтиради: Хоразмни забт этиш учун бўлган дастлабки уриниш лашкарбоши Абдулла ибн Амир ибн Қурайш томонидан амалга оширилган эди. 29/650 йили халифа уни Басрә ноиби этиб тайинлаган. У Балхга ҳужум қилиб, сўнг Хоразм томон юради. Аммо, кўзлаган мақсадига эриша олмасдан, чекинишига мажбур бўлади. Халифа Язид ибн Муовия (681—683 й.) замонида Хуросон ноиби бўлган Салм ибн Зиёд баъзи муваффақиятларга эришди. У хоразмликларни енгиб, тузилган шартномага кўра уларни йилига 400 минг дирҳамдан солиқ тўлаб туришга мажбур этди.

Абдулмалик ибн Марвон халифалиги замонида Хуросон ноиби бўлган Умайя ибн Абдулла (74/693—78/697 й.) Хоразм пойтахтининг қалъаси Филини босиб олишга муваффақ бўлди. Хоразмликлар кўп вақт ўт-

⁵³ Абу Райҳон Беруний, Таиланган асарлар, I том, 71-бет.

масдан Филни араблар зулмидан озод этдилар. Ҳажжожининг Хоросондаги поиби Язид иби ал-Мухаллаб (82/761—85/704 й.) Хоразмга яна қўшин тортади, аммо мақсадига эриша олмай чекинади.

Хоросонда (85/704—97/716 й.) поиб бўлиб турган Қутайба иби Муслим Хоразмни, шу билан бирга, Мовароуниҳри ҳам узил-кесил халифаликка бўйсундириди. Маҳаллий шоҳ хонадонидаги келишмовчиликлар Қутайба томонидан Хоразмнинг олинишини анча енгилластирди. Балозурийнинг ёзишича бунинг сабаблари қуийдагича: шоҳнинг укаси Хурзод шоҳга қарши исён кўтарди. Шоҳ бўлса Қутайбадан мадад сўради ва эвазига пул билан пойтахт дарвозасининг калидини ваъда қилди. Мазкур ваъда шартлари бажарилгач, Қутайба ўз укаси Абдураҳмон иби Муслимни катта қўшин билан Хоразм томон жўнатди. Араб қўшини Хурзод тарафдорлари билан жанг қилишди. Жангда Хурзод ўлдирилди. 4000 киши нобуд этилиб, кўп киши асир олинди. Шарт бўйича Қутайба шоҳни мамлакатида ҳукмдор этиб қолдиради. Хоразм халқи бу аҳволга тоқат қилолмади. У шоҳни ақлдан озган деб эълон қилиб, уни ўлдиритиради. Шундан сўнг Қутайба ўз укаси Абдулла иби Муслимни Хоразмга волий этиб тайинлади ва у ерда қўшинининг бир қисмини қолдирди.

Араблар томонидан Хоразмнинг истило этилиши борасида Иби ал-Асирда ҳам бъязи тафсилотлар мавжуд: 93/712 йили Қутайба Марвдан Хазораспга қўшин тортади. Хоразмшоҳ билан шартнома тузилгач ва унинг шартлари бажарилгач, Қутайба ўз укаси Абдураҳмонни исенкор Ҳамжирдга қарши юборади (Иби ал-Асирда шоҳнинг укаси Хурзод дейилган). Ҳамжирд тор-мор келтирилгач, шаҳзода ва униг тарафдорлари асир олиниади. Қутайба буларни шоҳга топширади. Шоҳ эса уларни қатл этириади, молу мулкларини бўлса Қутайбага тортиқ қиласди. Абу Райҳон Беруний хоразмликлар орасида келишмовчиликлар воқе бўлиб, Қутайба иби Муслим иккинчи бор Хоразмни забт этди, деб ёзар экан, Үмайя иби Абдуллоҳ истилосини биринчи деб қабул қилган бўлиши эҳтимол. Зероки, Қутайба томонидан Хоразмнинг икки бор забт этилиши тўгрисида маълумот йўқ. Шундай экан, Қутайба тайинлаб кетган ҳукмдорни халқ ўлдирилгач, Аскажамук арабларга қарши қўзголон бошлади. Бу ҳол мамлакатни араблар томонидан иккинчи бор босиб олинишига сабаб бўлди. Буни иккинчи истило си-

фатида ҳам қабул қилиш мүмкін. «Пайғамбар алайхис-салом қелгап вақтда, Хоразм шоҳларидаң Арсамух иби Бузгор иби Хомгарий иби Шовуш Сихр иби Азкожвор иби Аскажмук иби Саххасак иби Бағра иби Офриг подшоҳ әди. Хоразм ақолиси [ислом динидан] қайтгандан кейин Қутайба иби Мұслим Хоразмни иккінчи марта фатх қылғач, хоразмликтарга Аскажмук иби Азкожвор ибн Сабрий иби Сихр иби Арсамухни подшоҳ қилди ва уни подшоҳликка күтарди. Хисравлар насли қўлидан вилоят кетиб, уларда фақат шоҳлик номи қолди, чунки шоҳлик уларга меросдек әди. Тарих, мусулмонлар расмiga мувофиқ, ҳижрий [йилга] кўчирилди»⁵⁴, деб ёзган әди Беруний.

Беруний Қутайбани ўз ватани Хоразмни хароб этувчи ва ватандошларини руҳий тушкунликка келтирган истилочи сифатида таърифлайди. Бошқа бир жойда у шундай ёзади: «Қутайба хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўргангандан билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган әди. Шунинг учун у [хабар ва ривоятлар] ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»⁵⁵.

Хоразмнинг араблар томонидан истило этилишидан кейин мамлакатда давлат ҳокимияти иккига бўлинди: яъни ҳукмдор мулки, Офрифийлар — Сиёвушийлар сулоласида наслдан-наслга ўтиб борувчи мулқ, хожалик. Волийлар бирор ноибга бўйсунар ёки Хурросоннинг мустақил ҳукмдорлари ҳисобланардилар. Ҳар иккаласи ўртасида ҳокимият қай тарзда тақсим этилганлиги ҳақида Беруний ҳеч нарса демайди. Волий Гурганжда, шоҳ эса Котда турганини тахмин қилиш мүмкін. Нотишлик пайтларида иккаласи ҳам бир-бирови ҳисобига ҳокимиятлари таъсирини кенгайтиришга уринган. Шоҳ бутун ҳукмронликни ўз қўлига олган пайтлар ҳам бўлган. Ана шундай ҳол 385/995 йилгача давом этди. Шу йили сўнгги шоҳ Абу Абдулла Мұхаммад иби Аҳмад ўлдирилиб, қўш ҳокимиятчиликка барҳам берилган ва Гурганжда ноиб турган волий мамлакатининг бирдан-бир ҳукмдори бўлиб қолади. Қутайбанинг келишидан то Абу Абдуллоҳ

⁵⁴ Абу Райҳан Беруний, Таидаган асарлар, I том, 71-бет.

⁵⁵ Уша жойда, 72-бет.

Мұхаммаднинг ўлымигача ўтгап 283 йил ичида (93/385—712/995 й.) хоразмшоҳлардан саккизтаси ўтди. Булар: Аҳмад, Мұхаммад, Ироқ, ал-Манзур, Абдулла, Тарлисбоса (Тарлусбоса), Шавшуфар, Абу Абдулла Мұхаммад. Шавшуфар, яъни Абу Сайд Аҳмад ибн Мұхаммад тўғрисида Беруний қўйидагиларни ёзади: Искандардан кейинги 1263 й. (952 й.) у Бухорода Сомонийлар зинодидан қутулиб келган эди. У хоразм йил ҳисобини Искандардан кейинги 1270 йил (959 й.) ислоҳ қилди.

Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Хоразмда Офригийлар сулоласининг энг сўнгги ҳукмдори эди. Тарихнавис Мирхонд унинг ҳалокатига сабаб бўлган воқеаларни қўйидагича шарҳлайди: Хоразм Сомонийлар давлатининг бир вилояти эди. Нуҳ иби Мансур (387/997 й. вафот этади) замонида Хоразм волий Маъмун ибн Мұхаммад томонидан идора қилинганд. У Нуҳ иби Мансурга тобе эди. Маъмун ибн Мұхаммаднинг турагар жойи Гурганж эди. Котда Абу Абдуллоҳ хоразмшоҳ ҳам турагар эди. Хурросон волийси Абу Али иби Симжур Хоразмшоҳдан енгилгандан кейин хожаси Нуҳ иби Мансурга ёрдам сўраб мурожаат этди. Нуҳ унга Гурганжга боришни буюрди. Шу билан бир вақтда Гурганжда турган волийга хабар йўллаб, Абу Али иби Симжурни эҳтиром билан кутиб олишини топширди. Абу Али Ҳазорасп вилоятига келгач, шоҳ буйруғи билан ушланиб, Котга келтирилади. Шоҳ билан Абу Али орасида эскитдан адоват бор эди. Маъмун бунииг хабарини эшлитиб, қўшин тўплади ва Абу Али тарафдорларини ҳам олиб, Кот томон юрди. Шаҳарни жанг билан олиб, шоҳни асир олди; Абу Алини эса озод этди. Кейин у Гурганжга келди. Бу ерда Абу Алини яхши кутиб олишиди. Маъмун бир куни ўз меҳмони учун зиёфат берадётганида, асир Абу Абдуллани шу ерга келтиришади. Зиёфат аҳли маастликда уни уриб ўлдиришади. Сомонийлар ишеби Маъмун иби Мұхаммад шундан эътиборан Хоразмда ҳокими мутлақ бўлиб қолди. Сиёвушийлар сулоласи тугади. Хоразмшоҳлар лақаби эса яна бир неча аср мамлакат ҳукмдорларига ишебат берилб келди.

Хуллас, биз Абу Раҳон Беруний келтирган қимматли маълумотлардан шу пайтгача аниқлашмаган тафсилотларни билиб оламиз: Офригийлар сулоласи Хоразм таҳтини 690 йил (305—995 й.) мобайнида эгаллаб турди. Мазкур сулола Сосонийлар, Уммавийлар, Аббосийлар, Тоҳирийлар, Саффорийлар ва Сомонийлар билан

бир даврда, Хоразмда ҳукмронлик қилдилар. Қутайба иби Муслим истилосигача улар мамлакатнинг ягона ҳукмдори эдилар. Кейинчалик эса халифа волийлари, Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдорлари билан биргаликда шоҳлик қилдилар.

Офригийлар сулоласининг асосчиси Қайковуснинг ўғли Сиёвуш бўлган. Уни Хоразмда одамлар ўринаша бошлишидан 92 йил ўтгач, яъни милоддан аввалги 1212 йил келган деб ҳисоблайдилар. Бу саналар Абу Райҳон Беруний томонидан кўпгина илмий изланишлар натижасида топилган. Офригийлар сулоласидаги шоҳлар сони 22 та бўлган, улар ўртacha 31 йилдан ҳукмронлик қилинлар. Беруний мазкур сулола даврига онд тўрт санани эслаб ўтади:

- 1) Офриг томонидан шоҳона қаср бунёд этилиши — 305 йил;
- 2) Муҳаммад пайғамбар ва шу сулоланинг ўнинчи шоҳи Артамух — 610 йил;
- 3) ўни тўртинчи шоҳ Аскажамук. Қутайба истилоси — 712 йил;
- 4) йигирма иккинчи шоҳ Абу Абдуллоҳ 995 йили ўлдирилган.

Мазкур 22 шоҳ номини қўйида тўлиқ келтирамиз: Офриг, Бағра (Бағза), Шаҳассаҳ, Аскажамук, Азкожвор, Шаҳр, Шовуш, Хомжри, Бўзкор, Артамук, Сахр, Сабрий, Аскажавор, Саххасак, Шовушфар, Туркашота, Абдуллоҳ, Мансур, Ироқ, Муҳаммад, Аҳмад, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад.

Офригийлар сулоласидан бўлган бу ҳукмдорларнинг ҳам шоҳ бўлганилигини ёзмайди. Беруний фақат Офриг, Бағра, Артамук, Аскажамук ва Абу Абдуллоҳни шоҳ сифатида эслаб ўтади.

Берунийнинг Хоразм шоҳлари сулоласи ҳақидаги маълумотлари бошқа тарихий манбалар орқали ҳам тасдиқланмоқда. Унинг Ҳиндистон тўгрисидаги худди шу маълумотлари, масалан, Қобулшоҳлар ҳақида ёзганилари бошқа тарихчиларнинг турлича талқинларига қарамай, Европа олимлари Лонгперье ва Томас томонидан топилган тангалар шарҳи билан тўла тасдиқланди. Шунинг учун, хоразмшоҳлар ҳақидаги Беруний ёзиб қолдирган тафсилотлар нумизматик маълумотлар ёрдамида тасдиқланди. Масалан, С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедицияси Артамук ва унинг хотини номидан

зарб қилинган кумуш тангаларий топишга муваффақ бўлди⁵⁶.

Бундан ташқари у меъморчилик обидаларидан э. а. иккинчи минг йилликка доир (бронза даври) Жоибос қалъа, Қалъалиқир (э. а. V—IV асрлар), Қўйқирилган қалъа (э. а. IV—I асрлар), Тупроқ қалъа (III—IV асрлар) шаҳарларини тадқиқ этиб, Хоразм тарихи ва маданиятига доир муҳим илмий хуносаларга келди. Кангой — кушан маданияти даври (IV аср — эрамизнинг II асли)да Хоразм воҳасида 1300000 гектар ер сугорилиб, деҳқончилик қилинган. Ҳозир Хоразмда сугорилалигиган ерларнинг 1 кв км га 80 киши тўғри келса, антик даврда 25—50 киши тўғри келган⁵⁷.

V—VI асрларда қулчилик тузумининг ишқирози ва ўзаро ер учун олиб борилган урушлар натижасида сугорилган майдонлар қисқарган. Феодал тузум таркиби топа бошлаган VII—VIII асрларда деҳқончилик яна тарақкий этган⁵⁸.

Маъмунийлар ва ғазнавийлар даврида Беруний ижоди

Абу Райҳон Беруний Котда туғилиб, Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ хонадонида ўсди. Абу Наср Мансур Хоразмшоҳ Абу Абдулла Мұхаммад ибн Аҳмаднинг амакиваччаси бўлиб, замонасининг машҳур математик олимларидан эди⁵⁹. Шу хонадонда Беруний яхши маълумот олди ва ёшликтан астрономик кузатиш ишларига қизиқди... 990 йил марта 17 ёшлик Беруний кечакундуз тенг келишининг ҳар иккала пайтида қўёш баландлигини ўлчашга муваффақ бўлади. Бу нарса катта тажриба ва билим талаб қиласан.

994 йили Беруний эклиптика тенглигининг экваторга оғиши бурчагини ғоятда аниқлик билан ўлчаб топди. 995 йили у Ер шарининг тузилиш шаклини тузди. Бе-

⁵⁶ Қаранг: С. П. Толстов, По древним делтам Окса и Яксарта, стр. 223—224; Яна қаранг: С. П. Толстов, Монеты шахов древнего Хорезма, древнекорезмийский алфавит, ВДИ, 1938, № 4, стр. 120—145.

⁵⁷ С. П. Толстов, По древним делтам Окса и Яксарта, стр. 95.

⁵⁸ Уша жойда, 248-бет.

⁵⁹ Батафсил Абу Наср Мансур ҳақида қаранг: П. Г. Булгаков, Жизнь и труды Беруни, Ташкент, 1972, стр. 29—30.

руний ёшлигидәёқ Кот сиёсий ҳаётіда мұхим мавқе тұтди.

Шоҳлар билан Беруний ўртасидаги шахсий муносабаттар хүсусида бизга ҳеч нараса маълум әмас. Хоразмшоҳларнинг сўнггиси ўлдирилганда, Беруний 22 ёшда бўлган. Беруний Маъмун хонадонида узоқ йиллар нағдимлик қилди. Маъмун бўлса шоҳни ўлдириб, ҳокимиятни ўз қўлига олган эди. Байҳақий Берунийнинг ўзи ҳақида айтган қўйидаги сўзларини келтиради: «Мен, Абу Райҳон унга, яъни Абулаббос Маъмун иби Маъмунга (707/1011 й. вафот этган) етти йил хизмат қилдим»⁶⁰. У Мирхонд асарида иоми зикр этилган Маъмун иби Мұхаммаднинг иккинчи таҳт вориси бўлган. Маъмуннинг Берунийга бўлган эҳтиромини Байҳақий асарида келтирилган бир ҳодиса тафсилотидан ҳам билса бўлади.

Беруний унинг вазири бўлмаган бўлса ҳам, (400/1009—407/1016 йй.) мұхим давлат ишларида энг яқин маслаҳатчиси эди. Маъмун ўлдирилгач (407/1016), Беруний мажбураи давлат ишларидан четлаштириб қўйилди.

Берунийнинг ҳаёт тафсилотларини кўздан кечиргани мизда, ўз ватани қадимий ҳукмдорларининг хонадонига бўлган гаразини пайқаб оламиз. Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ўз шахсият-парастлиги учун, сохта шажара тарихии ўйлаб топган ва тарихни сохталаштирувчиларни қаттиқ таңқид қилади; лекин уларнинг номларини зикр этмайди. Унинг қуйидаги ҳикматли ибораси диққатга сазовордир: «Гарчи насаблар ва бошқа сабаблар ҳақидаги даъволарнинг тўғрилиги яширин бўлса ҳам, мушк ҳар қанча ўраб қўйилса, ҳид сочиб турганидек, ошкора бўлаверади»⁶¹. Демак, Беруний ҳалқ анъаналари ва давлат ҳужжатларининг далилларига таянган бўлиши мумкин. Давлат ҳужжатлари унинг ихтиёрига тушиб қолган бўлиши эҳтимолдан ҳоли әмас. Аммо Берунийдан кейин мазкур ҳужжатлардан ҳеч ким фойдалана олмаган. Ҳалқ тилидаги анъаналар Қуръон ақидаларига алмаштирилди.

Х аср охирига келиб ер эгалигининг мулк шакли таңглика учраб, иқто системаси тобора кеңг тарқала бошлади. Сомонийлар давлатининг иқтисодий асосиға путур етди. Бунга иккى күч сабаб бўлди. Бир томондан,

⁶⁰ Абулфазл Байҳақий, Масъуд тарихи, 808-бет.

⁶¹ Абу Рейхан Бируни, т. III, стр. 117—118.

аслзода деҳқонлар⁶² Сомонийларнинг марказий давлати мустаҳкамлашдаги хатти-ҳаракатларида ўз ҳақ-хуқуқларига иисбатан таҳди сездилар. Иккинчи томондан, феодал зодагонлар ўзларига қаранили ерлар, шаҳар ва мулкларда мустақилликка интилдилар. Маҳаллий ноибларниң мустақилликка интилиш ҳаракатлари X аср охириларига келиб янада кучайди. Иёён ва урушлар мамлакатини хароб қила бошлади, солиқлардан тинкаси қуриган халқ хонавайрон бўла бошлади.

«Кейин Хоразмиинг олий табақалари орасида кураш ва фисқу-фасод кучайди. Бу [мени] ишларимни ташлаб, яширинишга мажбур этди. Мен ватанини тарк этиб, бир неча йил қўним билмай тақдир бевафолигидан нафратланиб юрдим»⁶³, — деб ёзади Беруний.

Шимоли-шарқдан Қорахонийлар таҳдида кучайди. Хуросон ҳокими ва Сомонийлар қўшинилариning сипоҳсолори Абул Ҳасан иби Симжур 989 йили вафот этгач, унинг ўғли Абу Али билан Балх ҳокими Фойиқ ўртасида Хуросон таҳти учун кураш бошланди. Бу курашида Абу Али галаба қилгач, Нуҳ иби Мансур уни Хуросон ҳокими сифатида танишга мажбур бўлди. Лекин Абу Али Хуросон даромадидан бир мисқолини ҳам Бухорога жўнатмади. Бунинг устига у Қорахонийлардан Буғроҳон билан яширин битим тузиб, Сомонийлар подшолигини тақсимлаб олиш борасида у билан келишиб олди.

992 йил бошларида Буғроҳон қўшинилари Мовароуниҳрга бостириб кирди. Абу Али Нуҳга ёрдам беришдан бош тортди. Фойиқ бўлса осонликча Буғроҳонга таслим бўлди. Нажотсиз қолган Нуҳ Амул (Чоржўй) томон қочди. Буғроҳон эса Бухоро Аркини эгаллади. Аммо шу йилнинг ёзида у оғир бетоб бўлиб, Бухорони ташлаб кетишга мажбур бўлди. Нуҳ яна Бухорога қайтиб келди. Худди шу пайтда Газна амири Сабуктагининг шуҳрати ошиб бораётган эди. Нуҳ Хуросондаги исёнчилар тақдирини унга ҳавола қилди. 994 йили Хуросон учун бўлган шиддатли жангда Сабуктагин галаба қозонди. Жанг пайтида Кобус иби Вушмагирининг ўғли Доронинг Нуҳ томонига ўтиб кетиши Сабуктагин галабасини енгил-

⁶² Деҳқон—деҳ—деҳа — аҳолиси ер ишлари билан шугулланувчи қишлоқ, қон (қооп, ҳоқон) — ҳоким; катта ер эгаси, ўз оила аъзолари билан улкан майдонда деҳқончилик қилувчи киши. Кейинчалик умуман қишлоқ хўжалиги билан шугулланувчилар деҳқон деб айтилган.

⁶³ Абу Рейҳан Бируни, т. III, стр. 138.

лаштириди. Бу галаба учун Нуҳ Сабуктагинга Сомонийларнинг барча қўшинлари қўмондонлигини топширди. Унинг ўғли Маҳмуд эса Нишопур ҳокими этиб тайинланди. Абу Али, унинг укаси Абулқосим иби Симжур ва Фойик Гургонга Бувайҳийлар паноҳига қочдилар. 995 йили улар ўзларини бир қадар ўнглаб олиб, Хурносонга ҳужум қилдилар. Лекин Тус вилоятининг Андароқ қишлоғи яқинидаги жангда Маҳмуд уларни тор-мор келтириди. Абулқосим жангга аралашмай, Маҳмуддга содиқлигини билдириб, Гургонда ўрнашиб олди. Фарҳ ёрдамида Гургонни эгаллаб, 998 йилгача шу ерда ҳоким бўлиб туради. Абу Али бўлса Амулга қочиб келиб, Нуҳдан нажот сўрайди. Нуҳнинг маслаҳати билан у Гурганжга йўл олади. Ҳазорасп яқинида хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ уни асир олиб, Котга келтириди. Гурганж амири Маъмун иби Муҳаммад кўпдан бери бутун Хоразмни ўз қўли остида бирлаштириши орзу қилиб келарди. Нуҳ юборган кишининг Хоразмшоҳ томонидан асир этилишини баҳона қилиб, иқтадорлар мададига таяниб, Котга ҳужум қилди. Хоразмшоҳ асир тушнаб, Гурганжга олиб кетилиб, у ерда қатл этилди. Абу Али Нуҳ қўлига топширилди. Нуҳ уни Сабуктагин ихтиёрига жўнатди. Оқибатда, Абу Али 997 йили зинданда вафот этди. Хоразмшоҳлар хонадонининг инқирозга учраши Берунийга таъсир этмай қолмади. У тартибсизликлардан қочиб, 995 йили 22 ёшида Гургонга, Кобус иби Вушмагир ҳузурига кетишга мажбур бўлди. Бироқ у ерда узоқ турға олмади, Рай вилоятига кўчди. Бу ерда Сомонийларга хайриҳоҳ бўлган Фахруддавла ҳокимлик қиласи эди. Бундан ташқари у ерда машҳур олим, астроном Абу Маҳмуд Хўжандий (вафоти 390/1000 й.) яшар эди. Берунийнинг у билан ҳамкорлик қилиш ияни ҳам бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. «Райда исфаҳонлик савдогарлардан бир дўстим бўлиб, ўшаникida меҳмон сифатида истиқомат этар эдим»⁶⁴,— деб ёзади Беруний. Беруний Райда икки йил (995—997 й.) истиқомат қилди. Шу давр мобайнода у Рай яқинидаги Таборак тоғида Абу Маҳмуд Хўжандий қурған расадхонага бориб, илмий текширув ишларини олиб борди⁶⁵. 994 йили бино этилган мазкур расадхона Хўжандий ҳомийсининг номи билан Фахрий судси, яъни Фахрий секстанти ҳам деб юритилган. Бу секстант ҳа-

⁶⁴ Абу Рейхан Бируни, т. III, стр. 212.

⁶⁵ Там же, стр. 133, 137.

қида Беруний маҳсус рисола ҳам яратди⁶⁶. Рисолада мазкур расадхона қурилиши услуги баён этилган.

997 йил Рай ҳукмдори Фахруддавла вафот этгач, ўрнига унинг ёш ўғли Маждуддавла ўлтириди. У отаси билан биргаликда Кобус ибн Вушмагир ва Сомонийларга қарши сиёsat тутди. Шуидан сўнг Беруний ўз ватани Қотга қайтиб келди. Буни биз унинг қуийдаги сўзларидан ҳам билиб олсанк бўлади: «Абулафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Бўзжоний билан биз, у Бағдодда, мен эса Хоразм пойтахтида эканлигимизда, Ой тутилишини биргаликда кузатиш тўғрисида келишиб олдик. Ой тутилишини биз 387/997 йили биргаликда кузатдик»⁶⁷.

Шу йили Маъмун ибн Муҳаммад хоразмшоҳ вафот этди. Ўрнига Али ибн Маъмун янги пойтахт Гурганж тахтига ўлтириди. 998 йил охирида Кобус ибн Вушмагир Берунийни Гургонга таклиф қилди. Кобуснинг билимли, фозил ва фан аҳлини қадрловчи бўлганини эътиборга олиб, Беруний Гургонга кўчиб келди.

Беруний ўзининг 1001 йили ёзиб тугатган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини унга бағишлиди. Аммо кейинчалик Беруний Кобус билан чиқиша олмай яна Хоразмга қайтишга мажбур бўлди.

Беруний Гургонда олти йил (998—1003 йил) яшади. 1004 йил бошларида у Гурганжга қайтиб келади. Бу ерда Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ҳукмронлик қиласр эди (997—1009 й.). У энди кучайиб келаётган Фазнавийлар сулоласи ҳукмдори Маҳмуд билан қариндош тутиниб, унинг синглисига уйланган эди⁶⁸. Бу билан у сиёсий мақсадларни кўзлаган эди, албатта. Али ибн Маъмуннинг 13 йиллик ҳукмронлик даври осойишталикда ўтди. Мамлакат иқтисоди жонланиб, илм-фан аҳлларига яшаш ва ижод қилиш учун шароит вужудга келди. Шу даврда Гурганжда таниқли олим ал-Масиҳий, Берунийнинг ҳомийси ва устози Ибн Ироқ яшаб, ижод қилди. 1005 йили Гурганжга Ибн Сино ҳам кўчиб келди. Гурганж Али Ибн Маъмун замонида анча юксалди. Унинг замонида Гурганж йил сайин обод бўлиб борди, деб ёзган эди В. В. Бартольд. Манбалардан Али ибн Маъмуннинг пой-

⁶⁶ П. Г. Булгаков, Фахриев сектант в «Геодезии» Бируни, «Общественные науки в Узбекистане», 1963, № 6.

⁶⁷ Абу Рейхан Бируни, т. III, стр. 234.

⁶⁸ П. Г. Булгаков, Жизнь и труды Беруни, Ташкент, 1972, стр. 119.

тахт қалъаси қаршисида улкан сарой қургани ва бозор учун катта майдон тузгани маълум.

Абу Райҳон Беруний Гурганжда Хоразмнинг табиати, қимматбаҳо тош ва минералларининг хусусият ва солиштирма оғирликларини ўрганиш билан шуғулланди ва ўзининг машҳур «Минералология» («Жавоҳирларни билишга онд маълумотлар тўплами») асарини ёзди.

Али иби Маъмуннинг укаси Маъмун иби Маъмун замони (1010—1017)да Беруний саройга яқинлаштирилди. У Хоразмшоҳнинг энг яқин маслаҳатчиси бўлиб, унга бўлган эътибор ортди. Бироқ Маъмун гарчи «олим, жасур, фаол ва талабчан киши» (Беруний) бўлгани билан давлат ишларига эътибор қилмай қўйди. Маҳмуд Газнавий мамлакатдаги тартибсизликларни ва Хоразмшоҳ таъсирининг кучсизлапишини кузатиб, Хоразмни босиб олиш учун баҳона қидирар эди. Абдулабbos Маъмун гарчи Берунийни ўзининг энг яқин маслаҳатчиси қилиб олган бўлса ҳам унинг йўл-йўриқларига амал қилмади. Бу ҳақда Берунийнинг «Хоразм тарихи» асарида қимматли маълумотлар мавжуд. Бу маълумотлар бошқа тарихий асарларда сақланиб қолган. Масалан, Абулфазл Байҳақий шундай ҳикоя қиласиди: «Хоразмнинг машҳур одамлари» китобида Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Хоразмшоҳ Абулабbos Маъмун иби Маъмун... Маъмунийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори эди; у ўлгач, бу хонадон инқизотга юз тутди ва буюклигига хотима берилди. У фозил, шижоатли, тадбиркор, истеъдолли одам эди; бироқ унда қанчалик эътиборга лойиқ руҳий хусусиятлар бўлса, шунча таҳсинга нолойиқ хислатлар ҳам бор эди. Мен буни унга мойиллигимнинг эмас, бекаразлигимнинг изҳори учун айтмоқдаман. Зотан, бундай пайтларда кўзга ташланадиган, йирик хислатларгагина қараб ҳукм чиқарилади. Таҳсинга молик биятларини унинг камчиликлари йўққа чиқарганда ҳам, кимнинг ахлоқий ҳусни пинҳоний бўлиб, қилмишлари шунга мос бўлса, ундан кишини эътиборга муносаб киши деса бўлади. Амир Абулабbosнинг энг юксак ахлоқий ҳусни шу эдики, унинг даҳани посизо, одоблан ташқари ва гийбат сўзларга мустаҳкам эди. Мен, Абу Райҳон Беруний унга етти йил хизмат қилдим ва бирор марта ҳам унинг оғзидан дашином келтирувчи сўз эшиитмадим... Хоразмшоҳ ҳалимлик ва олижаноблик хислатла-

рига бой эди»⁶⁹. Шу ерга келганды Байқақий қүйидаги-ларни қўшимча қилади: «Мен, яъни Абулфазл бўлсан, Нишопурда хожа Абу Мансур ас-Саолибийдан⁷⁰ эшигган эдим. У Хоразмга борган, зиёфатда бўлиб, латиф сұхбат ва мусоҳабада қатнашган. Хоразмшоҳ деган: Менинг фикру хаёлим — китоб ва мутолаа, севикли ёрва у билан кўнгил очиш, олижаноб киши ва унга ғамхўрлик қилиш». Абулаббоснинг ҳокимият тенасида туриб, бошқаришга келганды, Абу Райҳон бошқа бир асарида шундай ёзади: «Аммо, бу йил (1016 й. бўлса керак) мамлакатиниг таланиши ва ҳаробага айланиши билан тугади. Айшу ишрат билан машғул бўлган Хоразмшоҳ узоқ вақт бу нарсага аҳамият бермади»⁷¹. Бу сўзлар билан Беруний Хоразмшоҳга нисбатан ўзининг холис нижтада бўлганилигини билдирган.

Хоразмшоҳ Абу Райҳонга барча билимлардан хабардор олимлар пешвоси сифатида зўр эҳтиром кўрсатади. Берунийнинг қўйидаги ҳикояси Байқақийнинг «Масъуд тарихи» китобида келтирилган: Бир куни Хоразмшоҳ бир айб иш қилган. Улов устида ичиб туриб Абу Райҳонни ҳужрасидан чақиришга буюрган. Нима сабабдан-дир у бир оз кечиккан. Шунда сабри чидамаган Хоразмшоҳ ишини бошқа йўсина тасаввур қилиб, от жиловини Абу Райҳон томон бурган ва уловдан энди тушмоқчи бўлиб турганида, Абу Райҳон ҳужрадан чиқкан. Шоҳ тушмасдан олдинроқ ўша ерга стиб келиб:

— Худо ҳаққи шоҳим, бундай қилмасинлар,— деб ёлборган. Шунда Хоразмшоҳ тамсил қилиб мана бу байти келтирган:

— Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир, барча унга келадио, лекин у келмайди. Кейин Хоразмшоҳ унга деган:

— Дунёвий расмиятчилик бўлмаганды эди, мен сени чақиритирмас эдим, илм ҳар нарсадан юқори, ҳеч нарса ундан юқори бўлолмайди.

Абулаббоснинг Берунийга садоқати зўр эди. Бунга Беруний келтирган шундай ҳодиса мисол бўла олади: «Мусулмонлар шоҳи ал-Қодир биллоҳ (Аббосийлар су-

⁶⁹ Абулфазл Байқақий, Масъуд тарихи, 808-бет.

⁷⁰ Абу Мансур Аблумалик иби Маҳмуд Саолибий (961—1038), тўрт жиллли Ятимат ӯд-даҳр («Замон дурдонаси») номли асар муаллифи. Бу ҳақда қаранг: И. Абдуллаев, Абу Мансур ас-Саолибий, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1972.

⁷¹ Абу Рейҳон Беруни, т. III, стр. 138.

лоласидан бўлган халифа — 991—1031 йй.) Абулаббосяга бир тўн, иноятиома, туғ ва Айнуддавла ва зайнул милла уивонлари [яъни мустақил ҳукмдорлик кафолатлари] иш юборди. Хоразмиоҳ бу нарсалар амир Маҳмудга хўрлик нишонаси бўлиб туюлмасин, деган андиша билан, у билан фикр олишиб, шима учун уни четлаб, халифадан тўн, эҳсонлар қабул қиласхаги ва имтиёзларга эга бўлажагини билгиси келарди. Ҳар эҳтимолга қарши хуш муносабатларни сақлаб қолиш мақсадида у мени [яъни Берунийни] элчини ярим йўлда саҳрова кутиб олиш учун жўнатди. Мен маҳфий суратда элчидан катта инъомларни қабул қилиб олиб, Хоразмга келтирдим ва Абулаббосяга топширдим. У матлабига мувофиқ муҳитни ўзгартирмаслик мақсадида совгаларни пинҳон тутишини буюрди... Уларни кўрсантишмади; фақат бу хонадан тугатилиши лозим бўлган куиларигина эълон қилишди»⁷².

XI аср бошида Хоразм давлатининг мавқеи ўеди, Ҳазар, Булғор ва бошқа қабилаларга, шунингдек, Киев Русига бўлган таъсири кучайди. Рус, Шарқий ва Еарбий Европа давлатлари, Эрон, Мўгуристон, Хитой билан маданий, савдо ва сиёсий алоқалар мустаҳкамланди⁷³.

Маъмунийлар даврида шаҳар ҳунармандчилиги ўеди. Носир Хисрав (1004—1089) Исафаҳонда ҳунармандчилик маҳсулотининг 200 нави ишлаб чиқарилганини ёзади. Хоразм шаҳарлари, айниқса, пойтакти Гурганиж тўгрисида ҳам шу нарсани айтиш мумкин эди.

Маҳмуд билан унинг вазири Абу Наср Мешкон ўртасида бўлиб ўтган қўйидаги суҳбатдан Газианийлар давридаги ҳалқ аҳволи ҳақида хуноса чиқариш мумкин. «Маҳмуд сўради: Сен дунёни кўп кезгани одамсан, айт чи, шу чорбог сингари боғни сен бирор шаҳарда кўргани мисан?». У яна қўшиб қўйди: «Шундай гуллаб яшиаган боғда не сабабландир кўнглим ёзилмайди?» Мен жавоб бердим: «Жаноблари раижимасалар, жавоб берган бўлардим», «Гапиравер». — «Шу боғ туфайли Балх шаҳри ва унинг атроф раиятидан минг киши азият чекмоқда. Шунинг учун жанобларида дилхушлик йўқ». — «Ҳалқ иммадан азоб чекмоқда?» — «Или ўн иккى ой давомида мажбурий ишлар ва озиқ-овқат солиғидан. Ҳалқ бундан

⁷² Абулфазл Байҳақий. Масъуд тарихи, 809—810-бетлар.

⁷³ А. Г. Гулямов, Эпоха Абу Рейхана Беруни, ОНУ, 1972, № 2, стр. 3—8.

оғир ақволга тушиб қолмоқда. Ҳеч ким бұу ҳолнің жаңоб-
ларига арз құлмаётір»⁷⁴. Шунға қарамай, Маҳмуд билімли ва саводхон киши бўлганидан вазириниң дагал
жавобларидан раңжимади. Е. Э. Бертельснинг ёзишича,
Маҳмуд ёшлигида яхши маълумот олган; нақлавий ти-
ли билан бир қаторда араб тилини ҳам билган. Унинг
нақлавий тилида шеърлар битгани, Қуръонга шарҳ ёз-
гани маълум. Унинг хонадонидаги аёллар ҳам ўқимиши-
ли эдилар ва ҳусинҳатда моҳир әдилар⁷⁵. Маҳмуддининг
ли эдилар ва ҳусинҳатда моҳир әдилар⁷⁶. Маҳмуддининг
Шарқида биричи бўлиб, Газнада улкан мадра-
слом Шарқида биричи бўлиб, Газнада улкан мадра-
са бино этгани ва унда кўнгниша подир китобларни жам-
лагани маълум⁷⁷.

Шу билан бирга, олий мансаб ва зар учун Маҳмуд-
дининг ҳар қандай пасткашликка тайёр эканини Беруний
қайд этади⁷⁸. Берунийнинг қўйидаги сўзлари ҳам Маҳ-
муд ва унинг амалдорлари шаънига айтилган: «Улар
фозил кишиларга ииебатан душманлик ҳисси билан ёнар
әдилар. Фанга алоқадор кишиларни таъқиб этар, улар-
га хўрлик ва зулм келтирадар әдилар... Бу жоҳиллар кўп-
чиликка номаъқул бўлган паст ва заарарли хуљкларни
бир овоздан ёқлаб чиқардилар; улар асосида асоссиз
гаразни кўрамиз. Улар орасида шарму ҳаёсиз ва ҳар
қандай пастлик олдида тап тортмайдиганлар кўпроқ.
Бу йўлда улар барча имкониятдан фойдаланиб мусоба-
қа қила бошладилар; бу иш бориб-бориб фанини рад
этниш ва илм аҳлига ғараз кўз билан қараашга олиб кел-
ди. Улардан шаддодроғи фанини хато йўл, фан аҳлини
ўзларига монаид жоҳилият йўлидан боришга унданб,
уларга куфроният тамғасини босдилар. Бу билан улар
олимларни йўқотмоққа ўзларига йўл очмоқ иятида
әдилар»⁷⁹.

Беруний Газнада эканлигида замондошлари орасида
уни мисли кўрилмаган обрў-эътибор чўйқисига кўтарған
қатор шоҳ асарлар яратди. *Китоби таҳдиид инҳоят ал-
амокин ли-тасхих масофоти ал-масокин* («Масканлар
орасидаги масофаларни аниқлаш учун жойларниң
чегараларини белгилаш») асарини Газнага кели-

⁷⁴ Абулфазл Байқақий. Масъуд тарихи, 895, 920-бетлар.

⁷⁵ Е. Э. Бертельс, История персидско-таджикской литературы (Избранные труды, т. I), М., 1960, стр. 189.

⁷⁶ В. В. Бартольд, т. II, ч. I, История культурыной жизни Туркестана, стр. 226.

⁷⁷ Бируни, III, стр. 81.

⁷⁸ Бируни, т. III, стр. 81.

ши билан ёзабошлаб (1018 й. бошларидан) 1025 йилнинг октябррида тугатади.

1017 йилда Беруний Газнага келтирилгач, у ерга келтирилган ҳинд асиirlари орқали ҳинд халқи тарихи ва маданийти тўғрисида маълумот олади. 1022—1025 йилларда эса, Маҳмуднинг Ҳиндистонга юришилари пайтида у билан биргаликда Ҳиндистонга боради ва ҳинд халқи ҳамда унинг тарихи билан яқиндан танишади. Олим ҳинд маданий қўлёзма ёдгорликларини ўрганар экан, улардан бир қаинчасини араб тилига таржима қилиди: мен «ҳиндларниң икки китобини араб тилига таржима қилиган эдим. Уларниң бири бошланиш ва мавжуудот тавсифи ҳақида бўлиб, «Санкхъя» деб аталади. Иккеничиси, жонни бадан қиёфасидан қутқазиш тўғрисида битилган, у «Патанжали» номи билан машҳурдир. Бу икки китобда ҳиндларниң шарнат ҳукмлари эмас, балки эътиқодлари асосларининг кўпчилиги баён қилинган»⁷⁹.

1025—1030 йиллари Беруний бир неча астрономияга онд рисолалар ёзиш билан бирга, машҳур «Ҳиндистон» (*Китобу-фит таҳқиқи мо лил-Ҳинд мин Мазқулатин мақбулатин фи л-ақли ав марзулатин* — Ҳиндларниң ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби)ни ёзиб тугатди. Мазкур китоб ва унинг ёзилиши тўғрисида Эдуард Захау шундай ёзган эди: «Беруний бу асарини жуда оғир даврда ёзди. Бу вақтда Эрон, Ўрта Осиёниң ғарбий қисми, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир бўлагини бирлаштирган Ғазнавийларнинг улкан империясининг қулаш хавфи бор эди. Бундай хотинч пайтларда Беруний ўз илмий кузатиш ишларига ўйнениб кетган бўлса, бу ғалаёилар авжига мингандага у ўз асарини тугатишга уринди. Бу ҳол ўша давр сиёсий воқеаларига боғлиқ эканлиги борган сари аёироқ бўлиб кўрининти»⁸⁰.

XI аср бошларида ғуз туркларининг Сирдарё қўйи оқимидағи серҳосил ерларда ўтроқлашуви кучайиб, бир қисми Салжуқ бошчилигига Маҳмуд давлатига таҳдид солабошладилар. Шу муносабат билан ҳинд халқи ва ҳинд подшосининг олиjanоблигидан баҳс этувчи Беруний келтирган қуйидаги ҳужжат диққатга сазовордир.

⁷⁹ Беруний, Ташланган асарлар, II том, 28-бет.

⁸⁰ А. Ирисов, Абу Райҳон Берунийининг «Ҳиндистон» асари; Абу Райҳон Беруний, Ташланган асарлар, II том, 11-бет.

«Оиандапола (Браҳмайлардан ҳинд подшоси, вафоти 412/1021 йил)нинг султои Маҳмудга юборган хати менга жуда ҳам маъқул тушди, ҳолбуки уларнинг ўрталарида ҳийлагина совуқчилик бор эди. Хат мазмунни шундай эди: «Эшигинимча, турклар сенга қарши чиққан эмишлар ва Хурсонга тарқалган эмишлар. Агар хоҳласанг, беш минг отлиқ аскар, ўн минг ниёда аскар ва юзта фил билан ёрдамга чиқамаи; агар хоҳласанг, деганинга икки ҳисса куч қўшиб, ўғлимни чиқараман. Менинг шундай қилишимга сенда ҳеч қандай аниша туғилмасин, чунки менинг тарафингдан синдирилганини, энди мен ўзимдан бошқанинг сенга голиб бўлишини истамайман»⁸¹.

Маҳмуд вафот этгач, ўрнига ўғли Масъуд ўлтириди. Хоразмда Маҳмуднинг хожиби Олтунтош ҳукмроилик қиласар эди. Олтунтош Маҳмуднинг нуфузли амирларидан эди. Масъуд таҳт учун акаси Муҳаммадга қарши урушлар билан бандлигида, Мовароуниаҳр ҳокими амир Али Тегин (415/1034—426/1045) унинг ўлкасига ҳужум уюштириб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. Масъуд 424/1033 йилда Олтунтошга элчи орқали хат юбориб, Али Тегин вилоятларига ҳужум қилмоқни ва Самарқанд билан Бухорони қўлга олмоқни даъват этади ҳамда ёрдам учун катта қўшини йўллайди. Олтунтош Жайхундан ўтиб, Али Тегин вилоятларидан баъзиларини босиб олади. Босиб олинган вилоятларда катта қўшини билан тургани учун унга бу вилоятлардан келадиган даромад қўшинни сақлаб туришга ҳам етмас эди. Бу ҳақда у Масъудга ҳам ёзади ва Хоразмга қайтмоққа ижозат сўрайди. Масъуд бунга розилик беради. Олтунтош қайтаетгаңда Али Тегин унинг қўшинига тўсатдан ҳужум қилади. Али Тегин енгилиб, Добусия қалъасига ўзини уради. Олтунтош қалъани қамал қилади. Аммо, Али Тегин унга хат ўйлаб, шафқат сўрайди. Олтунтош уни шу ҳолда ташлаб, Хоразм томон кетади. Мазкур жангда Олтунтош яраланган эди; Хоразмга келгач, касал бўлиб, вафот этади. Ундан уч ўғил қолган эди: Хорун, Рашид ва Исмоил. Ҳокимиятни вазир Абу Наср Аҳмад иби Муҳаммад иби Абдусамад бошқара бошлади. У хазина ва бошиқа мулкларни сақлаб қолди. Кейин Масъудга мактуб ёзди. Масъуд ҳожибининг катта ўғли Хоруни Хо-

⁸¹ Уша асар, 313-бет.

Базм ҳокими этиб тайинлайди. Вазир унинг ёнида ҳолади... 1043 йили эса Хоразм Салжуқлар томонидан тааланди.

* * *

Ўрта Осиёning буюк олими Абу Райҳон Беруний мураккаб бир вазиятда яшаб ижод этди. Унинг даври феодализм ижтимоий муносабатлари барпо этилиши ва ўзаро мураккаб феодал курашлар авж олган бир давр эди. Ижтимоий қарама-қаршиликлар олим ижодига таъсир этмай қолмади.

Аҳолиси қадимдан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шугулланиб келган бу диёр қадим или-ған ва маданият маркази бўлган. Қадимий ёзувлардан бири — Хоразм ёзуви, тили шу ерда таркиб топди. Бу ҳол Беруний ва унинг замондошлидек буюк сиймоларнинг етишиб чиқиши учун тарихий шарт-шароит яратди.

Хоразм воҳаси араблар томонидан босиб олингач, бу ерда қадимий Офригийлар хонадони билан бир қаторда араблар томонидан қўйилган Маъмунийлар ҳукимронлик қила бошлади. 995 йили Гурганж амири Маъмун иби Муҳаммад (992—997) Офригийлар пойтахти Қиётни босиб олиб, ўзини хоразмшоҳ деб эълон қилди. Шу даврда Хоразм давлати ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан катта қудратга эга эди. У Орол бўйларидағи қабила уюшмалари, Волга бўйи, Шимолий Кавказ ва Киев Руси билан маданий савдо ва әлчилик муносабатларини олиб борди. X аср бошларида Ҳазар ҳоқонлигига бўлган Ибн Фадлан хоқон саройида Хоразм олимлари ва амалдорларининг катта мавқеи бўлганини қайд этган эди.

Қадимий Хоразм тарихи ва маданияти тўғрисида тарихий манбаларда деярли маълумот йўқ эди. Фақат шу диёрда ўсиб вояга етган буюк олим Абу Райҳон Беруний асарларидағина бу ўлка ҳақида ягона қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Олим Хоразмнинг ўтмиш маданияти, халқлари ва тарихий географияси бўйича тинмай илмий-қидирув ишлари олиб борди. Хоразмнинг қадимий ва ўрта аср тарихини ўрганишда Абу Райҳон Беруний фикрлари асосий — ҳал қилувчи манба бўлиб қолди ва қолмоқда.